


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**



**Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим
маркази**

“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши тингловчиси

МАЖИДОВ ШАХЗОД АБДИХАЛИЛ ЎҒЛИ

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ
УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ**

мавзусидаги

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Академия бошлиғи
ўринбосари У.У.Нигмаджанов

Илмий маслаҳатчи: юридик фанлар
доктори, профессор Г.Р.Маликова

Амалиётдан маслаҳатчи: Бош
прокуратура 19-бошқарма прокурори
Р.М.Рахмонов

ТОШКЕНТ-2022

Аннотация

Диссертация иши қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг юридик назарий тавсифи, коррупцияга қарши экспертизанинг вазифа ҳамда функциялари, қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг хуқуқий асосларини назарий жиҳатдан таҳлил қилишга бағишланган. Шунингдек, қонунчилик ижроси юзасидан назорат давомида норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг айрим ташкилий-хуқуқий муаммолари ва уларни бартараф этиш юзасидан асосли таклифлар ишлаб чиқилган.

Аннотации

Диссертация посвящена теоретическому анализу правовых основ проведения антикоррупционной экспертизы нормативных-правовых актов государственных органов в органах прокуратуры, задач и функций антикоррупционной экспертизы, проведения антикоррупционной экспертизы нормативных-правовых актов в ходе надзора за исполнением законов органами прокуратуры. Есть также, в период проверки исполнения законодательства были разработаны научно обоснованные предложения по некоторым организационно-правовым проблемам экспертизы нормативных-правовых актов на предмет коррупции и их устранения.

Annotation

This dissertation focuses on devoted to the theoretical analysis of the legal foundations of the anti-corruption expertise of regulatory legal acts of state organizations in the prosecutor's office, the tasks and functions of anti-corruption expertise, anti-corruption expertise of legal acts in the course of supervision of the execution of laws by the prosecutor's office. There are also, during the period of checking the implementation of legislation, scientifically based proposals have been developed on certain organizational and legal problems of conducting an anti-corruption examination of legal acts and their elimination.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	4-17
I БОБ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	18
1.1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг юридик назарий тавсифи.....	18-30
1.2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ташкил этишнинг вазифалари ҳамда функциялари.....	31-38
II БОБ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	39
2.1. Прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари.....	39-46
2.2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий масалалари.....	47-55
III БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИГА ОИД ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	56
3.1. Прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятига оид хориж тажрибаси.....	56-70
3.2. Ўзбекистонда прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.....	71-79
ХУЛОСА.....	80-84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	85-94
ИЛОВАЛАР.....	94-155

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланганлиги ва долзарблиги. Ўтган йиллар давомида бутун дунё бўйлаб коррупциявий жиноятлар ниҳоятда авж олди. 2021 йилнинг 13 декабрида Шарм-эль-Шейхда коррупцияга қарши курашиш бўйича Бутунжаҳон конференциясида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш томонидан дунёда коррупция туфайли солиқ тўловчиларнинг чўнтақларидан триллионлаб доллар қийматидаги маблағлар мактаб ва касалхоналарга етиб бормасдан мансабдор шасхлар ҳисоб рақамларига тушаётганлиги, бунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда коррупцияга қарши курашишнинг муҳим эканлигини алоҳида таъкидланди¹. Бундан ташқари, БМТ Бош котиби А.Гуттерриш томонидан келтирилган маълумотларга асосан жаҳон ҳамжамиятида ҳар йили **1 триллион АҚШ доллар** ҳажмида коррупциявий жиноятлар содир этилади. Дунё иқтисодиёти ҳар йили коррупция туфайли **2,6 триллион АҚШ долларидан** ортиқ маблағдан айрилади, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **5 фоизини** ташкил этишини маълум қилган эди².

Transparency International ташкилотининг директори Делиа Феррейра Рубио дунёдаги коррупциянинг аҳволига баҳо берар экан сўнгги йилларда COVID-19 пандемиясининг кенг тарқалиши нафақат соғлиқни сақлаш, балки коррупция соҳасида ҳам енгиб бўлмас инқирозни келтириб чиқарганлиги тўғрисидаги хулосага келди³.

Кейинги икки йилда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупция илллати йиллар давомида томир отганлиги тўғрисида ўзининг маърузаларида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган долзарб масала эканлигини такрор-такрор қайд этиб келмоқда. Шу боис ҳам, давлатимиз раҳбари ўзининг сайлов олди маърузаларидан бирида ушбу

¹[Электрон манба]. UN anti-corruption conference begins with call to restore trust to tackle pandemic challenges, achieve sustainable development. <https://www.unodc.org/unodc/en/press/releases/2021/December/un-anti-corruption-conference-begins-with-call-to-restore-trust-to-tackle-pandemic-challenges--achieve-sustainable-development.html>

²[Электрон манба]. Global Cost of Corruption at Least 5 Percent of World Gross Domestic Product, Secretary-General Tells Security Council, Citing World Economic Forum Data. <https://www.un.org/press/en/2018/sc13493.doc.htm>

³[Электрон манба]. [http://www.transparency.org/ru/news/cpi-2020-glosal-highlights./](http://www.transparency.org/ru/news/cpi-2020-glosal-highlights/)

муаммога алоҳида эътибор қаратиб, “бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз – мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат” деб таъкидлаган эди⁴.

Бироқ мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида кўпгина қонунчилик ҳужжатларининг сифатсиз тарзда қабул қилиниши уларнинг нормаларида коррупциявий омилларнинг мавжудлиги, шунингдек давлат бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида аниқланаётган коррупциявий омиллар ҳам бугунги кунда коррупциявий жиноятларининг кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб боришига қисман сабаб бўляпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 24-апрелида бўлиб ўтган ялпи мажлисида коррупциявий жиноятларни содир этиш кўрсаткичлари ортиб бораётганлиги ва натижада бюджет маблағлари талон-тарож қилиниш кўрсаткичлари ўсиб бораётганлиги бунда **2017 йилда 36,5 млрд, 2018 йилда 1,2 триллион сўм, 2019 йилда қарийб 1,1 триллион сўм, 2020 йилда 2,7 триллион сўм** бюджет маблағи ноқонуний тарзда ўзлаштирилиб юборилганлиги, **2017 ва 2018 йиллар** орасида талон-тарож қилиш ҳолати салкам **33 баробарга** ошганлиги алоҳида қайд этилди⁵. Шунингдек, **2021 йилнинг биринчи ярмида 2544 нафар** мансабдор шахсга нисбатан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноий иш қўзғатилган. Умумий зарар миқдори **592,5 млрд сўмга** баҳоланган, бу кўрсаткич **2020 йил** давомида **500 млрд сўмни** ташкил қилган. Энг кўп ҳолатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги ва банк секторларига тўғри келган⁶.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Б.Валиевнинг маълум қилишича, охири **тўрт ярим йил** ичида

⁴Шавкат Мирзиёев. Асарлар. 1-жилд. “Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. ..М “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

⁵[Электрон манба]. <http://www.parliament.gov.uz/uz/statistik/uhk-2021-statistik-ma-lumotlar/>

⁶Коррупция қарши курашиш агентлиги директори А.Бурхановнинг “Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имиджига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил этиш тўғрисида”ги АХБОРОТИ. <http://www.anticorruption.uz/uzc/item/2021/09/24/uz/statistic/>

9546 нафар шахс турли кўринишдаги коррупция жиноятларини содир этган. Таъкидланишича, мазкур жиноятлар оқибатида давлат ва фуқароларнинг манфаатларига **3 трлн 200 млрд** сўмга яқин зиён етказилган⁷. Табиийки, бугунги кунда мамлакатимизда коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни прокуратура органларининг фаолиятида норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 84-мақсадида прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини амалга ошириш натижасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши самарадорлиги нуқтаи-назаридан қайта кўришни тақозо этмоқда⁸.

Иккинчидан, 2021 йилнинг иккинчи ярми давомида ижтимоий соҳада қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилидан келиб чиқиб, **4та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндорларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёз берилиши аҳволи ўрганилган. Ўрганиш натижаларига кўра спорт мусобақаларини ўтказиш ва иқтидорли спортчиларни танлаб олиш ва имтиёз бериш тизимини тартибга солишдаги бир қатор коррупциявий омиллар аниқланиб, бартараф этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилган. Бу эса ўз навбатида, қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги

⁷Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б.Б.Валиевнинг 2021 йил 9-июлдаги АОКА да ўтказилган брифингдаги нутқидан. <http://www/gazeta.uz/uz/2021/07/09/corruption-crime/>.

⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 60-сон. 28.01.2022. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, .29.01.2022 й., 06/22/60/082-сон.](#)

коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини такомиллаштириш истиқболларини ўрганишнинг муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан **2021 йил 25-майда** қабул қилинган **229, 230, 231, 232, 233, 234-сонли бўйруқларида** прокурорлар томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорат фаолияти давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чора тадбирларини кўриш ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини амалга ошириш сингари вазифалар белгиланди. Бу эса ўз навбатида, бугунги кунда қонунлар ижроси устидан назорат давомида прокурорлар томонидан ҳар қандай коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан фаолиятни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчидан, агарда статистика рақамларга тўхталадиган бўлсак, прокуратура органлари томонидан **2021 йил давомида** алоҳида эътибор қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган вазифалар юзасидан назорат остидаги объектларни тизимли равишда ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида **354.219 та прокурор назорати ҳужжатлари** қўлланилди, шулардан **48.777 та** қонунга зид ҳужжатларга **“протест”** келтирилди, шунингдек **20 дан ортиқ** амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда коррупциявий омиллар аниқланди ва тегишли тартибда **“тақдимнома”** назорат ҳужжатлари келтирилди, шунингдек коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш борасида тегишли идораларга **20.779 та “тақдимнома”** киритилган. Бу эса ўз навбатида, давлат органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга зид,

сифатсиз тарзда қабул қилинаётганлиги, айрим ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўплаб коррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланаётганлигидан далолат бермоқда⁹.

Олтинчидан, прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза институтининг моҳияти, тенденциялари ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ва очиб беришга бағишланган махсус тадқиқот ишлари йўқлиги сабабли, прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларидан бири сифатида, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш хусусиятларини, шунингдек ушбу ваколатларни тегишли қонунда бевосита белгилаш ҳамда такомиллаштириш истиқболларини жорий этишнинг муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусининг муайян жиҳатлари МДҲга аъзо давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг самарали жиҳатларининг таҳлили ва мазкур фаолиятни такомиллаштириш борасида хорижий ҳуқуқшунос олимлардан А.В.Кудашкин¹⁰, И.А.Захарова¹¹, А.Н.Миронов¹², А.Ю.Винокуров¹³, Ю.В.Сидельников¹⁴, С.В.Филатов¹⁵, С.М.Бударатов¹⁶, Е.Р.Россинской¹⁷, Э.В.Талапина¹⁸, В.Н.Юзхаков¹⁹,

⁹[Электрон манба]. 2021 yilda prokurorlar tomonidan 292.585 nafar shaxsning buzilgan huquqlari tiklandi. <https://sof.uz/uz/post/2021-yilda-prokurorlar-tomonidan-292585-nafar-shaxsning-buzilgan-huquqlari-tiklandi>

¹⁰Кудашкин А.В.К вопросу о предмете и объекте антикоррупционной экспертизы // Административное и муниципальное право. – 2016.

¹¹Захарова .И.А. Проведение прокурором антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов: смешение надзорной и правотворческой функций прокуратуры // Экспертиза нормативных правовых актов и их проектов на предмет коррупциогенности: содержание, значение, методика проведения: сб.ст. / под ред. О.С.Капинус и А.В.Кудашкина.М., 2018.

¹²Миронов А.Н. Экспертиза проектов нормативных правовых актов федеральными органами исполнительной власти // Административное право и процесс.-2012,-№2.-С.

¹³Винокуров, А. Ю. Требование в системе правовых средств прокурорского надзора /А. Ю. Винокуров // Экспертиза нормативных правовых актов и их проектов на предмет коррупциогенности: содержание, значение, методика проведения : сборник статей / под общ. ред.О. С. Капинус, А. В. Кудашкина. — М. : Акад. Ген. прокуратуры РФ, 2017.

¹⁴Сидельников Ю.В. Экспертиза нормативных правовых актов сегодня и завтра.- М., 2007.

¹⁵Филатов С.В. Антикоррупционная экспертиза нормативных правовых актов (их проектов)//Законность.- 2019.- № 2.

¹⁶Бударатов С.М. Объекты предмет антикоррупционной экспертизы правовых и проектов. (The object and subject of anti-corruption expertise of legal acts and their drafts), Вопьроси судебной реформы: право, экономика, управления. 2019.

¹⁷Антикоррупционная экспертиза нормативно-правовых актов и их проектов / Е.В.Россинской, В.В. Астанин, И.С. Барзилова и др. – М.: Проспект, 2018. – 96 с.

А.А.Лерняков²⁰, В.С.Фральцев²¹, О.А.Короткова²², Ю.В.Капитанова²³, И.Г.Корзун²⁴, И.А.Калита²⁵, Н.М.Абдиров²⁶, В.В.Долежан, С.В.Филатов, О.С.Капинус, С.Г.Кехлеров, В.М.Точилковский²⁷ ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

Шу билан бирга, мавзунинг айрим жиҳатлари билан боғлиқ масалалар хорижий давлатларнинг олимлари бўлган А.В.Браун²⁸, Ф.Аначчарико²⁹, Ж.В.Джэкобс³⁰, Ж.Межстрик, Р.Г.Нолл, Б.М.Овен, Ф.Сикс, А.Лоутон, П.Жанский, Ж.Чалковска³¹ ва бошқалар ҳам прокуратура органларининг асосий вазифалари доирасида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ривожлантириш бўйича самарали илмий изланишлар олиб боришган.

Тадқиқот мавзусининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз ҳуқуқшунос-олимлари, жумладан, Б.И.Исмаилов³², Б.Х.Пўлатов³³, Ф.Х.Рахимов³⁴, О.М.Мадалиев³⁵, М.Расулов³⁶ томонидан прокуратура органлари томонидан

¹⁸СМ.:Талапина Э.В., Южаков В.Н. Методика первичного анализа (экспертизы) коррупционности нормативных правовых актов / под ред. В.Н.Южакова.,2007.

¹⁹Юзхаков.В. (2017). Антикоррупционная экспертиза нормативных-правовых актов: методика, опыт и преспективы. Public Administration Issues,но 2,pp.

²⁰А.А.Лерняков и Черняков А.А. Коррупция и её юридические признаки. //Борьба с организованной преступностью и коррупцией. //Мат-лы международ конф. Алма-Аты, 2016.

²¹Фральцев В.С. Экспертиза деятельности как системный процесс. Автореф.дис....канд.юрид.наук – М.: 2015.

²²Короткова О.А. Экспертиза законопроектов и законодательных актов: теоритико-правовой аспект.Автореф. дисс....канд.юрид.наук – М.:2020 .

²³Капитанова Ю.В. Основы координации деятельности прокуратуры по борьбе с преступностью: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.11 / НИИ проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре Рос. Федерации. – М., 2002. – С. 21.

²⁴Корзун И.Г. Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по противодействию коррупции. – С. 17.; Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью. – С. 13-14.

²⁵Калита И.А. Деятельность органов прокуратуры по противодействию коррупции: автореф. дис. ... на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук: 12.00.11 / АО ВПО Московский гуманитарный ун-т. – М., 2019. – 25 с

²⁶Абдиров Н.М., Кобзарев Ф.М. Координационная деятельность прокуратуры Республики Казахстан по противодействию коррупции: опыт правового и организационного обеспечения // Вестн. Акад. Генеральной прокуратуры Рос. Федерации. – 2017. – №5 (49). – С. 47-56.

²⁷ Қаранг: Қонун ҳужжатлари рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида батафсил кўрсатилган.

²⁸Brown, A.,& Head, V. (2021). Descriptions of anti-corruption expertise. Australian Journal of Public Administration, 64(2).

²⁹Anachiarico, F. (2016). The pursuit of absolute integrity: anti-corruption of expertise. New York: Oxford University Press.

³⁰Jacobs J.V. (2014). Anti-corruption of expertise of prosecutor. New York: Oxford University Press.

³¹Қаранг: Мазкур адабиётлар рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида батафсил кўрсатилган.

³² Қаранг: Мазкур адабиётлар рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида батафсил кўрсатилган.

³³Пўлатов Б.Х. Жинойтчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунлар ижро этилиши устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланма. - Т.: Тошкент тезкор босмаҳонаси, 2007. - 312 б.

³⁴Қаранг: Мазкур адабиётлар рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида батафсил кўрсатилган.

³⁵Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 884 б.

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш жараёнини қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг бир муҳим таркибий элементи доирасида ўрганилган.

Тадқиқот ишининг объекти. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини олиб бориш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг предмети. Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ривожлантиришнинг муаммоларига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш, прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши экспертизанинг норматив-ҳуқуқий асосларини махсус қонунда белгилаш, шунингдек қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш билан боғлиқ амалиётда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича асослантирилган илмий-назарий таклиф ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг юридик моҳияти ҳақида ҳуқуқшунос олимларнинг назарий қарашларини таҳлил қилиш ва мазмун моҳиятини очиб бериш ҳамда

³⁶Қаранг: Мазкур адабиётлар рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида батафсил кўрсатилган.

тегишли тартибда прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти бўйича муаллифнинг илмий-назарий таърифларини ишлаб чиқиш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этишнинг вазифа ҳамда функцияларининг юридик мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш;

– бугунги кунда мавжуд амалиётда прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бирок, амалдаги қонунчиликда прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида бирорта норма мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалаларини ўрганиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.10.2021 йилдаги ПҚ–5263-сонли қарорига мувофиқ қолаверса, прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг фаолият йўналишларидан бири сифатида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда иштирок этиш билан боғлиқ йўналишни белгилашнинг истиқболларини таҳлил қилиш;

– бугунги кунда мавжуд амалиётда прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бирок, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида

бирорта норма мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда прокурорнинг ваколатларини аниқ белгилашнинг истиқболларини ўрганиш;

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрдаги 172-сонли бўйруғи асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти” нинг “йигирма бешинчи” бандига кўра қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашда назорат объектларини текшириш давомида объектлардаги ўрганишлар доирасига қаътий тарзда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан тегишли тартибда чора-тадбирларни амалга оширилганлиги ҳолатини комплекс ўрганиш билан боғлиқ қонунлар жорий этиш истиқболларини таҳлил қилиш;

– коррупциявий омилларни аниқлашда прокурорларнинг билим ва кўникмалари ошириб бориш мақсадида қонунлар ижроси устидан прокурор назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш;

– прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ташкил қилиш ва такомиллаштиришга оид халқаро стандартлар ва халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ҳамда хорижий тажрибани (Россия Федерацияси, Венгрия Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ҳамда Сингапур кабилар мисолида) қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида ўрганиш ва миллий амалиётга жорий этишнинг энг мақбул жиҳатлари юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

– прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига илмий ва амалий баҳо бериш ҳамда бошқа қатор вазифаларни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– тадқиқот иши доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупцияга қарши экспертиза” тушунчаларини юридик назарий жиҳатдан тадқиқ этган ҳуқуқшунос олимларнинг назарий қарашлари ва миллий қонунчиликдаги назарий тавсифлари таҳлил қилиниб, прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши экспертиза тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг вазибалари ҳамда функциялари назарий-илмий таҳлил қилинди;

– бугунги кунда мавжуд амалиётда прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бироқ, амалдаги қонунчиликда прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида бирорта норма мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ўрганилди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.10.2021 йилдаги ПҚ–5263-сонли қарорига мувофиқ қолаверса, прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг фаолият йўналишларидан бири сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда иштирок этиш билан боғлиқ йўналишни белгилашнинг истиқболлари таҳлил қилинди;

– бугунги кунда мавжуд амалиётда прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бирок, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида бирорта норма мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда прокурорнинг ваколатларини аниқ белгилашнинг истиқболлари ўрганилди;

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрдаги 172-сонли бўйруғи асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти” нинг “йигирма бешинчи” бандида белгиланган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда назорат объектларини текшириш давомида объектлардаги ўрганишлар доирасига қабтий тарзда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан комплекс ўрганиш билан боғлиқ қонидани жорий этиш истиқболлари ўрганилди;

– Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолияти жараёнида коррупциявий омилларни аниқлашда прокурорларнинг билим ва кўникмалари етарли тартибда шакллантириш ва ошириб бориш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича услубий қўлланмани ишлаб чиқиш билан боғлиқ таклиф илгари сурилди;

– халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ҳамда хорижий давлатларнинг прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг

таъсирчан механизми сифатида ўрганилиб, прокуратура органлари фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг ролини кучайтириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишда прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертизанинг самарадор механизмларини ривожлантириш бўйича амалий-ташкилий тавсиялар илгари сурилди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишида тизимли-тузилмавий ёндашув, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, қиёсий-ҳуқуқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистика маълумотлар таҳлили, таҳлил этиш ва синтез қилиш, ҳуқуқий моделлаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид **50 дан ортиқ** илмий-ҳуқуқий манбалардан фойдаланилди. Тадқиқот ишида фойдаланилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг миллий қонунчилиги, илмий адабиётлар Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг расмий манбаларидан олинган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, унда билдирилган таклиф ва тавсиялардан прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини назарий тадқиқ этиш, шунингдек коррупцияга қарши экспертизанинг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин. Шу

билан бирга, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти **“Прокурор назорати”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”** ва бошқа махсус модуллардан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишда, ушбу фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва ўқув дастурларини тайёрлашда фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация тадқиқотлари натижаларини тасдиқлаш. Ҳозирги кунда **4 та** илмий мақола электрон шаклларда чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация **кириш, 6 та параграфни** қамраб олган **3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати** ва **иловалардан** иборат. Диссертация ишининг ҳажми **155 бетни** ташкил этади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 84-мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон омилини чеклашга бағишланган коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «коррупциядан холи қонунчилик» тамойили асосида белгиланганлиги, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини самарадорлиги нуқтаи-назаридан қайта кўришни тақозо этмоқда³⁷. Жумладан, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда қонунийликни тўлиқ таъминлашда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупциявий омиллардан холилигини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати жараёнида тегишли соҳаларда тўла қонунийликни таъминлашда, шунингдек коррупциявий ҳуқуқбузарликларни юзага келтираётган амалдаги норматив-

³⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 60-сон. 28.01.2022. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, .29.01.2022 й., 06/22/60/082-сон.](#)

ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича прокуратура органларининг асосий вазифалари сифатида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини такомиллаштириш самарали ҳисобланади.

І БОБ. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг юридик назарий тавсифи

Маълумки, коррупция давлат бошқарувида тизимли хавф характериға эға ҳисобланиб, у аҳоли ўртасида давлат ҳокимиятиға бўлган ишончни йўқотилишиға ва обрўсизланишиға сабаб бўлади. Мутахассислар томонидан коррупциявий жиноятларни олдини олиш чораларининг умумижтимой ҳамда махсус чоралари ишлаб чиқилган бўлиб, махсус чораларға ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳар қандай коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омиллар ва сабабларни бартараф этишға ҳаракат қилинган муҳим фаолият сифатида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини олиб бориш ва такомиллаштириш зарурлиги таъкидланган³⁸.

Бугунги кунда ҳар бир соҳалардаги тушунчаларнинг юридик мазмун моҳияти маълум маъно касб этади ҳамда унинг яхлитлигини ташкил этувчи муҳим асоси саналади. Бу ўринда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза тизимининг комплекс тавсифида “экспертиза”, “коррупцияга қарши экспертиза” фаолиятининг юридик мазмуниға тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Биринчи навбатда, коррупцияга қарши экспертиза тушунчасининг юридик мазмуни моҳиятини тўғри англаш учун “экспертиза” атамаси мазмунини тўғри тушуниш муҳим аҳамият касб этади³⁹. Хориж адабиётларда ушбу мавзуни тадқиқ этган олим ва экспертларнинг илмий изланишларида мазкур терминологияға оид бир қатор таърифлар берилади.

Этимологик жиҳатдан “экспертиза” атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, “тажрибали, билимли” деган маънони англатади. Лекин ижтимоий

³⁸[Электрон манба] Б. И. Исмаилов Совершенствование механизмов осуществления антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов в Республике Узбекистан. Сборник НПК. <http://www.uzmarkaz.uz/docviewer.yandex.uz/view/1480248943/vsu1jhxtt6tt1m7jo5cum318non7invybc6imh0/>

³⁹Словарь иностранных слов. М.: Русский язык, 1982. С-575.

ҳаётда кенгроқ маънода муайян масала юзасидан хулоса бериш учун илм-фан доирасида бир гуруҳ олимлар ҳамда мутахассислар томонидан масалаларни ўрганиш доирасида олиб бориладиган ҳамда унинг яқунлари бўйича хулоса беришга қаратилган фаолият жараёни ҳисобланади⁴⁰.

Фикримизча, экспертиза жараёни асосан махсус билим талаб қилувчи масала юзасидан бир қатор мутахассислар (экспертлар) томонидан асослантирилган хулоса беришга қаратилган жараён ҳисобланади.

Юқорида келтирилган экспертиза тушунчасидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши экспертизанинг юридик назарий тавсифини ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган фикрлар ўлароқ икки йўналишда яъни амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг юридик назарий тавсифини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасининг бир тури ҳисобланган қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизаси МДХ мамлакатларида мустақил институт сифатида шаклланган ҳамда ривожланган. Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг юридик мазмун-моҳияти ҳақида МДХ мамлакатларининг бир қатор ҳуқуқшунос олимлари ўртасида турли хилма хил ёндашувлар борлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, тадқиқотчи О.А.Слепкова ҳуқуқшунослик доктринасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси тушунчаси, унинг моҳияти ва ўзига хос белгилари нисбатан янги институтлигини, кам тадқиқ этилганлигини ҳақли равишда таъкидлаб, айнан ушбу ҳолат назарияда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида мазкур атамага турлича таъриф берилишга сабаб бўлади деган тўғри хулосага келган⁴¹.

⁴⁰Юридик энциклопедия / Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда.Т.: - Шарқ, 2001. - 656-б.

⁴¹Слепкова О.А. – Понятие и особенности антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов ФТС России // NB: Административное право и практика администрирования. – 2016 – № 2. –С.73-84.

Тадқиқотчи О.А.Слепкова ўз қарашларини янада кенгайтириб, коррупцияга қарши экспертизани коррупцияга қарши курашишнинг маъмурий-ҳуқуқий элементи эканлигини таъкидлар экан, ушбу тушунча амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган махсус ваколатли субъектлар томонидан ўтказиладиган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ҳамда кейинчалик бартараф этишга қаратилган ҳамда давлатнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг профилактик чораси сифатида таъриф беради⁴².

Бизнингча, О.А.Слепкова томонидан илгари сурилган назарий фикрлар доирасида тадқиқотчи коррупцияга қарши экспертизанинг умумий вазифаларининг айрим жиҳатларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Жумладан, коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг асосий жиҳатларини қуйидагиларга қаратиш мақсадга мувофиқ:

- ушбу фаолиятнинг алоҳида махсус ваколатли субъектлар асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан амалга оширилиши;
- давлат томонидан берилган махсус ваколатларнинг махсус қонун нормасида акс этиши;
- ўзининг муайян мақсадга эга бўлиши;
- мазкур фаолиятда давлат номидан тегишли махсус ваколатли органнинг иштирок этиши.

Таниқли ҳуқуқшунос олим Ю.М.Ланцевич эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси махсус ваколатли давлат органлари, ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар томонидан амалга ошириладиган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тадқиқ қилиш ва уларда аниқланган коррупциявий омилларни ва усулларни бартараф этишни ўзида акс эттирувчи хулосалардан ташкил топган фаолият сифатида

⁴²Слепкова О.А. – Понятие и особенности антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов ФТС России // NB: Административное право и практика администрирования. – 2016 – № 2. – С.75.

таъриф беради⁴³. Гувоҳи бўлганимиздек, назарий жиҳатдан коррупцияга қарши экспертизани асосан махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилиши унинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Россиялик ҳуқуқшунос олим А.Н.Миронов ўзининг илмий қарашларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнини юзага келувчи коррупциявий аломатларни моҳирона тарзда махсус билимлардан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш ҳамда бартараф этиш тушунилади деб таъкидлаб ўтган⁴⁴.

Ўйлашимизча, ҳуқуқшунос олим А.Н.Миронов томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолияти ҳақида илгари сурган назарий фикрлари бир томонлама аҳамият касб этиб қолган. Чунки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёни фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий аломатларни эмас, балки коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришга сабаб бўладиган омиллар, сабаблар ҳамда шарт-шароитларни ҳам тушуниш лозим.

Тадқиқотчи ҳуқуқшунос олим С.В.Матковский эса коррупцияга қарши экспертизани ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш жараёнида коррупциявий ҳодисаларнинг юзага келишига кўмаклашиши мумкин бўлган имкониятларни аниқлаш бўйича мутахассислар (экспертлик комиссиялари) томонидан ўтказиладиган, бундай коррупциявий ҳаракатларни чеклаш ва бартараф этишга қаратилган тавсиялардан ташкил топган криминологик экспертизанинг алоҳида бир тури эканлигини қайд этади⁴⁵.

Ҳуқуқшунос олим А.А.Разуваев фикрига кўра ҳуқуқий экспертиза жараёнининг бир кўриниши ҳисобланган коррупцияга қарши экспертиза процессуал жараёнда фақат етакчи амалиётчи ҳуқуқшунос олимлар билан амалга ошириладиган тадқиқот жараёни бўлиб, бунинг натижасида

⁴³Ланцевич Ю.М. Организационно-правовые основы деятельности правоохранительных органов по проведению антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов и проектов: автореферат дисс... канд. Юрид.наук. Москва, 2018.С.10.

⁴⁴Миронов А.Н. Экспертиза проектов нормативных правовых актов федеральными органами исполнительной власти // Административное право и процесс.-2012,-№2.-С., 35-36.

⁴⁵Матковский С.В. Правовая природа антикоррупционной экспертизы // Российский следователь. 2018. №24.

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда қонун нормаларини тўғри ва асосли шарҳлаш, коррупциявий аломатларни бартараф этиш ва самарали тарзда қарор қабул қилиш жараёни ҳисобланади⁴⁶.

Назаримизда, А.А.Разуваев томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини назарий шарҳлашда субъектлар фаолиятдан келиб чиқиб, нисбатан тор доирада фикр билдиришга ҳаракат қилинган. Чунки ҳуқуқий экспертиза жараёнининг бир кўриниши ҳисобланган коррупцияга қарши экспертиза фаолиятида субъект сифатида нафақат ҳуқуқшунос олимлар балки иқтисодчилар, тилшунослар ҳамда бошқа соҳа вакиллари ҳатто жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этиши муҳим ҳисобланади.

Яна бир олим С.М.Бударатов эса “норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси бу маъмурий процедура жараёни ҳисобланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда криминологик омилларни бартараф этиш ҳисобланади”,- деб таъкидлаган⁴⁷.

Бизнингча, юқорида ҳуқуқшунос олим С.М.Бударатов томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятига берилган назарий таҳлилдан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолияти:

биринчидан, коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича энг муҳим самарали аналитик фаолият ҳисобланади.

иккинчидан, коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва профилактика қилиш борасидаги тизимли ҳуқуқий ҳаракат сифатида тушуниш мумкин.

Ҳуқуқшунос олим Е.Р.Россинскойнинг фикрига кўра коррупцияга қарши экспертиза жараёнини эксперт тадқиқотига ягона ёндашувни тақдим этиши, тадқиқот давомида экспертнинг таҳлилий нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришга мойил бўлган янги

⁴⁶Разуваев А.А. Экспертиза как средство повышения эффективности процесса правореализации (вопросы теории и практики): Автореф. дисс. ...к.ю.н. – Саратов, 2016.- С.8.

⁴⁷Бударатов С.М. Объекты предмет антикоррупционной экспертизы правовых и проектов. (The object and subject of anti-corruption expertise of legal acts and their drafts), Вопросы судебной реформы: право, экономика, управления. 2009, No. 3, p. 34.

шарт-шароитларни аниқлаш ва таҳлил қилиш жараёни ҳисобланади⁴⁸. Ҳуқуқшунос Э.В.Талапинанинг фикрига кўра коррупцияга қарши экспертиза бу ваколатли давлат органларининг коррупциявий омилларни аниқлаш мақсадида қонун ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини тегишли тартибда ўрганишдан иборат бўлган фаолият ҳисобланади⁴⁹. Яна бир ҳуқуқшунос олим В.Н.Юзхаков коррупцияга қарши экспертиза фаолияти коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг тизимли ва тўғри бажарилишига имкон қадар самарали тарзда ёрдам беради деб таъкидлаб ўтган⁵⁰.

Фикримизча, ҳуқуқшунос олим В.Н.Юзхаков томонидан коррупцияга қарши экспертиза бўйича илгари сурилган назарий фикрлар ҳар томонлама ўринлидир. Чунки коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг тизимли ҳамда функционал ташкил этиш коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг самарали усулларида бири ҳисобланади. Юқорида ҳуқуқшунос олимлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолияти ҳақида келтирилган назарий тушунчалар, илмий қарашларнинг барчаси коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг моҳиятини тубдан очиб беради.

Бундан ташқри, коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг назарий жиҳатларини ҳар томонлама тадқиқ қилган Қозоғистонлик ҳуқуқшунос олимлар Д.В.Чухвичев ва Н.М.Абдиров ҳисобланади. Жумладан, Н.М.Абдировнинг фикрича, биринчи навбатда, “норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза жараёни – давлат вазифаларини бажариш ваколати берилган мансабдор шасхлар ҳамда давлат хизматчиларининг моддий, ҳар қандай бошқа неъмат ва афзалликларни ғайриқонуний равишда қўлга киритиши учун ўз расмий мавқеидан фойдаланиш ва у билан боғлиқ имкониятларини келтириб

⁴⁸Антикоррупционная экспертиза нормативно-правовых актов и их проектов / М.С. Азаров, В.В. Астанин, И.С. Барзилова и др. – М.: Проспект, 2017. – 96 с.

⁴⁹СМ.:Талапина Э.В.,Южаков В.Н. Методика первичного анализа (экспертизы) коррупциогенности нормативных правовых актов / под ред. В.Н.Южакова.,2014.С.20.

⁵⁰Юзхаков.В. (2016). Антикоррупционная экспертиза нормативных-правовых актов: методика, опыт и перспективы. Public Administration Issues,no 2,pp.4-42.

чиқарувчи асосларни йўқ қилиш” деб таъкидлаб ўтган⁵¹. Д.В.Чухвичев эса қонун ҳужжатларининг коррупцияга қарши экспертиза фаолияти мазмун-моҳияти ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган. Коррупция қарши экспертиза – мутахассислар томонидан экспертиза фаолияти давомида махсус билим ва малакаларни ишга солган ҳолда олиб бориладиган ва яқунда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ёки ундаги камчиликларни бартараф этиш билан тавсифланадиган юридик фаолиятидир⁵².

Ўйлашимизча, ҳуқуқшунос олим Д.В.Чухвичевнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг мазмун моҳияти ҳақида илгари сурган назарий қарашлари прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда олиб бориладиган коррупцияга қарши экспертиза фаолияти натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган вазифаларнинг мазмун моҳиятига тўла мос келади. Бундан ташқари, яна бир ҳуқуқшунос олим О.В.Селезнованинг фикрича, “коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг бутун мазмунини қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнида юридик ва иқтисодий соҳадаги барча олий ва ўрта маълумотли мутахассисларнинг ҳамкорликдаги фаолиятининг нафақат ҳуқуқий, балки амалий ҳаракатлари тушунилиши лозим”,- деб ҳисоблайди⁵³.

Яна бир Қозоғистонлик ҳуқуқшунос олим профессор Е.И.Каиржанов норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг юридик мазмун моҳиятини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги хулоса келган. Жумладан, унинг фикри бўйича криминология фанида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза жараёни ўта муҳим соҳа ҳамда фандир ва у доимо коррупциявий жиноятларда коррупцион

⁵¹Н.М.Абдиров. Казахстан в зеркале проблем организованной преступности и коррупции. //Проблемы с коррупцией и организованной преступностью. Сбор.науч.труд. Караганда, 1998, С.60-61.

⁵²Чухвичев.Д.В. Законодательная техника / Д.В. Чухвичев. – М.: ЮНИТА-ДАНА, 2014.–С.174.

⁵³Селезнева О. В. О некоторых проблемах организации правовой экспертизы // Право: Теория и Практика. 2016. № 8. С. 61–63.

схемаларнинг ўзгариши ва ортиши натижасида ушба соҳа доимо ривожланиб бориш лозимлигини таъкидлайди⁵⁴.

Умуман олганда бизнингча, коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг мазмун-моҳияти масаласида ҳам жиноят ҳуқуқи ва криминалистика мутахассислари ўртасида ягона фикр ҳамда назария мавжуд эмас. Шунинг учун ҳар бир ҳуқуқшунос олим ўзининг амалиётдаги ҳуқуқий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши экспертиза фаолияти бўйича илмий-назарий фикр юритишга ҳаракат қилган. Масалан, А.А.Лерняков ҳам коррупцияга қарши экспертиза фаолияти ҳақида шундай фикр юритган. “ҳуқуқшунослик фанининг вазифаси, дейди у, айнан назарий тадқиқотлар асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашнинг меъёрий моделини таклиф қилишдан иборат. Бунга жуда кўп ҳуқуқшунослар уринганини инобатга оладиган бўлсак, шубҳасиз, бу осон вазифа эмас”,- деб таъкидлайди⁵⁵.

Юқоридаги келтирилган илмий-назарий тарифлар асосида хулоса қилиш мумкинки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси бу давлат ва хусусий секторда коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш ва бундай хавф мавжуд бўлган соҳа йўналишларни тизимли аниқлаб бориш, манфаатлар тўқнашувини юзага келтирувчи омилларни ҳуқуқий таҳлил қилиш, суд-тергов амалиётидан келиб чиққан ҳолда коррупциявий жиноятларни содир этишга сабаб бўлаётган шароитларни тизимли ўрганиш амалдаги баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларидаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш фаолияти ҳисобланади.

Навбатдаги таҳлил жараёнида бевосита прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амлга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг юридик назарий

⁵⁴Каиржанов Е.И. Избранные труды. Т.2. Алматы: Экономика, 2018. С. 235.

⁵⁵А.А.Лерняков и Черняков А.А. Коррупция и её юридические признаки. //Борьба с организованной преступностью и коррупцией. //Мат-лы международ конф. Алма-Аты, 2006. С. 141-150.

тавсифини ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Ҳуқуқшунос олим С.В.Филатов ўзининг илмий қарашларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини прокуратура органларининг назорат фаолиятининг бир йўналиши сифатида белгилаб қуйидагича таъриф берган. “Коррупцияга қарши экспертиза прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг ҳуқуқий позицияси бўлиб, унинг бошқа махсус давлат органларида ташкил этилган экспертизадан фарқи ва самарали жиҳати унинг мажбурийлигида бўлиб, прокурор текширув давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бекор қилиш ва суд орқали чоралар кўришга ҳақли эканлигидир”⁵⁶.

Таниқли рус ҳуқуқшунос олим А.В.Кудашкин ўзининг илмий тадқиқот ишларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини юридик назарий мазмунини прокуратура органлари фаолиятида тадқиқ қилган. Унга кўра амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, прокурор назорати давомида давлат органларининг ҳуқуқий актларининг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида тушуниш лозим деб ҳисоблайди⁵⁷. А.В.Кудашкин илмий-назарий қарашларини янада кенгайтириб, прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг объектини федерал ижро этувчи ҳокимият, федерация субъектларининг давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлар томонидан қабул қилинаётган ҳамда мазкур субъектлар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда норматив тусга эга бўлмаган ҳуқуқий актлар ва уларда мавжуд бўлган коррупциявий омиллар ташкил этади ва булар прокуратура органларининг

⁵⁶Филатов С.В. Антикоррупционная экспертиза нормативных правовых актов (их проектов)//Законность.- 2015.- № 2.

⁵⁷[Электрон манба]. Кудашкин А.В. Координация деятельности по противодействию коррупции в военной организации государства. [http://www.voennopravo.ru/files/Кудашкина/\(дата обращения: 01,07,2017\) ./](http://www.voennopravo.ru/files/Кудашкина/(дата обращения: 01,07,2017) ./)

коррупцияга қарши экспертизаси фаолияти давомида бартараф этилиши лозим деб таъкидлайди⁵⁸.

Фикримизча, ҳуқуқшунос олим А.В.Кудашкин томонидан билдирилган фикрлар бугунги кунда прокуратура органларининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш жараёнининг бир кўриниши сифатида коррупциявий жиноятларни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолияти прокуратура органларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бугунги кунда мавжуд таҳлилларга таяниб прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза икки томонлама муҳим жараён ҳисобланади.

биринчидан, назорат остидаги объектларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижасида жиноятларни содир этилишига имкон бераётган қонунчилик ҳужжатларидаги коррупциявий омилларни самарали тарзда аниқлашнинг бир усули ҳисобланади.

иккинчидан, коррупцияга қарши экспертиза коррупциявий жиноятларни содир этилишининг олдини олишда профилактика вазифасини бажаради⁵⁹.

Яна бир рус ҳуқуқшунос олими А.Ю.Винокуровнинг фикрига кўра, “прокуратура органларида назорат остидаги объектларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек ҳуқуқий актларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш прокурор назоратининг объектлари ҳисобланади” деб таъкидлаган⁶⁰.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, ҳуқуқшунос олим А.Ю.Винокуров томонидан келтирилган фикрлар прокурор назоратини амалга оширишда назорат остидаги объектлар томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий

⁵⁸Кудашкина А.В.К вопросу о предмете и объекте антикоррупционной экспертизы // Административное и муниципальное право. – 2016. – № 8.

⁵⁹Кудашкин А.В. Антикоррупционная экспертиза нормативных правовых актов, проводимая органами прокуратуры,- эффективное средство противодействия коррупции. О «Академия Генеральной прокуратуры РФ», г. Москва.

⁶⁰Винокуров, А. Ю. Требование в системе правовых средств прокурорского надзора /А. Ю. Винокуров // Экспертиза нормативных правовых актов и их проектов на предмет коррупциогенности: содержание, значение, методика проведения : сборник статей / под общ. ред.О. С. Капинус, А. В. Кудашкина. — М. : Акад. Ген. прокуратуры РФ, 2018.

хужжатларни прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши натижасида самарали тарзда коррупциявий жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларни олдини олишда самарали натижаларга эришиш мумкин.

Тадқиқотчи олим Ю.В.Сидельников эса прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида коррупцияга қарши экспертизани “баҳолаш ва аналитик ҳаракат” сифатида таърифлаб, бир гуруҳ прокурорлар ҳамда мутахассислар ёрдамида норматив-ҳуқуқий актлардаги коррупциявий бўшлиқларни келтириб чиқарувчи ноаниқликларни олдини олиш сифатида баҳолаган⁶¹.

Фикримизча, ҳуқуқшунос олим Ю.В.Сидельников томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолияти ҳақида илгари сурилган назарий фикрлар ўринли ҳамда тўғри ҳисобланади. Чунки, коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ҳар бир ҳуқуқшунос “баҳолаш ва аналитик ҳаракат” сифатида олиб бориши лозим. Сабаби, коррупцияга қарши экспертиза жараёни давомида кенг доирадаги субъектлар томонидан қонун нормаларини тизимли таҳлил қилиш, статистик маълумотларни ўрганиш, аниқ социологик усуллардан фойдаланиш, индукция ҳамда дедукция усулларини қўллашни билиш жуда муҳим ҳамда самарали ҳисобланади.

Маълумки, бугунги кунда кўпгина ғарб давлатлари ҳамда АҚШ давлатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг тушунчаси мавжуд эмас. Бу давлатларнинг қонунчилик амалиётида коррупциявий жиноятларни олдини олиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши таъсирини баҳолаш институти самарали фаолият олиб бормоқда.

Бизнингча, бу фаолиятнинг вазифа ҳамда функциялари коррупцияга қарши экспертиза фаолияти билан деярли ўхшаш ҳисобланади. Хусусан, бугунги кунга қадар “қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши таъсирини

⁶¹Сидельников Ю.В. Экспертиза сегодня и завтра.- М., 2017.

баҳолашнинг”нинг назарий тавсифи АҚШ олимлари томонидан айниқса чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этилган”, деб ёзади А.Бровн⁶². Америкалик олимлар “коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш”ни батафсил назарий жиҳатдан таҳлил қилар экан қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши баҳолаш жараёнида қонун нормаларининг криминологик ҳамда жиноий хулқ-атворнинг ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан таҳлил қилиш жараёнидир деб таъкидлайдилар⁶³. Бундан ташқари, америкалик ҳуқуқшунос олимлар Ф.Анечиарико ва Ж.Б.Жакобсларнинг фикрига кўра, қонун нормаларини коррупцияга қарши баҳолаш бу “давлат аппаратининг, хусусий, жамоат хизматларининг бузилиши, улар мансабдор шахсларининг зиммасига юкланган вазифаларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган профилактик жараёндир” деб, таъкидлайди⁶⁴.

Гувоҳи бўлганимиздек, коррупцияга қарши экспертиза тушунчасига юридик адабиётларда турлича таърифларни учратиш мумкин. Лекин, шуни қайд этиш ўринлики, юридик адабиётларда ҳуқуқшунос ва криминалист олимлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг юридик назарий тавсифига келтирилган таърифларда бир-бирига яқин ўзаро муштарак қарашлар акс этган⁶⁵.

Бизнингча, ҳар бир ҳуқуқшунос криминалист олимлар томонидан келтирилган коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг назарий тавсифини таҳлил қилар эканмиз, мазкур таҳлилий фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш ўринлики, коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарали

⁶²Brown, A., & Head, B. (2021). Assessing integrity systems. *Australian Journal of Public Administration*, 64(2), 42-47.

⁶³Brown, A., & Head, B. (2021). Descriptions of anti-corruption expertise. *Australian Journal of Public Administration*, 64(2), 42-47.

⁶⁴Anachiarico, F, Jacobs J.B. (2016). *The pursuit of absolute integrity: anti-corruption of expertise*. New York: Oxford University Press.

⁶⁵Батафсилроқ қаранг: Дементьев А.С. Проблемы борьбы с экономической преступностью и коррупцией. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Нижний Новгород, 1997. - С.12.; Проблемы борьбы с коррупционными преступлениями. Учебное пособие // Коваленко С.Б., Кожамкулов М.Т., Онгарбекова Ж.В., Рахметова А.С. - Алматы: ООНИР и РИР Академии МВД РК. 2004. - С. 48.; Зуфаров Р. Порахўрлик- коррупция негизи // Давлат ва ҳуқуқ. - Тошкент, 2010. - № 4. - Б. 41.; Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. - Алматы: КазАТК, 2008. - С. 27.; Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. - Ташкент: ТГЮИ, 2008. - С. 219, 221-222., Мелиев Х. Коррупция: унинг олдини олишда антикоррупциявий экспертизанинг ўрни // Ҳуқуқ ва бурч. - Тошкент, 2008. - № 7. - Б. 42.

ташқил этилиши айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолияти соҳадаги назарий билим ва тажрибаси ҳамда булар асосида коррупцияга қарши фаолиятни прокуратура органларида қай даражада тўғри ташқил этиши билан боғлиқдир.

Юқорида ҳуқуқшунос олимлар томонидан келтирилган илмий-назарий тарифлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, Ҳуқуқшунос олимларнинг прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг илмий-назарий хулосалари асосида прокуратура органлари ўз ваколатларини амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омиллари аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш сингари чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертиза тушунчасининг элементларини ўз ичига қамраб олади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси таърифи муҳим жараёнларни ўз ичига қамраб олган. Мазкур жараёнлар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертиза қилиш натижасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллари аниқлаш,
2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омиллари бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўриш сингари жараёнлар ҳисобланади.

Прокуратура органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омиллари аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни қамраб олиш нуқтаи назардан мазкур фаолиятни бевосита прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти деб номланиши юзасидан хулоса келинди.

1.2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этишнинг вазифалари ҳамда функциялари

Бугунги кунда фуқароларнинг тўла ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш, коррупцияга қарши экспертизанинг вазифаларини янада такомиллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Хусусан, БМТ нинг 1986 йил 4-декабрдаги “Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида”ги декларация деб номланган 41/128-сон резолюциясида инсон ривожланишнинг асосий субъекти эканлиги таъкидланиб, ҳар бир давлат инсонларнинг ривожланиш ҳуқуқларини таъминлашда миллий ва халқаро шароитларни таъминлашга оид мажбуриятлари белгиланган. Шу билан биргаликда, нуфузли халқаро ташкилотлар: БМТ нинг Тараққиёт дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Жаҳон банки, Жаҳон интеллектуал мулк агентлиги ташкилоти ва халқаро даражадаги илмий-тадқиқот муассасалари томонидан давлатларнинг сиёсий тузилмалари фаолияти, қонунчилик ҳолати, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларининг коррупциядан ҳоли эканлиги шубҳасиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг (лойиҳаларнинг) коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолити, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатларини таъсирини баҳолаш қай даражада самарали фаолият юритаётганлиги, коррупцияга қарши экспертиза вазифалари қай тарзда амалга оширилаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади⁶⁶.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини нафақат ҳуқуқий экспертизадан балки, амалга киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларини ҳам коррупцияга қарши экспертизадан комплекс тарзда ўтказиб борилиши кўпгина мамлакатларнинг тажрибасида мавжуд. Масалан, сўнгги ўн йилликлар давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни доимий равишда

⁶⁶http://undp.org.www.worldbank_globalinnovationindex.org/

коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиб борилишининг вазифалари мутлақ тарзда назарий такомиллаштирилиб борилиши нафақат назарий, балки амалиётда ҳам ижобий самараларга эришиш учун замин яратмоқда ҳамда қонунчилик амалиётининг анча муҳим қисмига айланмоқда⁶⁷.

Академик А.Х.Саидов ҳақли равишда таъкидлаганидек, қонун норма ҳужжатларининг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, дастлаб қонун ижодкорлиги фаолиятида юзага келиб, қонун лойиҳаларининг коррупциявий белгилардан ҳолилигини текшириш ҳамда қонун нормасини сифатли бўлишини таъминлаш;

иккинчидан, амалдаги қонун ҳужжатларининг амалиётда коррупциявий ҳуқуқбузарликлардан ҳоли тарзда самарадорлиги ҳамда нормалардаги коррупциявий омилларни бартараф этишдан иборатдир⁶⁸.

Яна бир ҳуқуқшунос олим П.А.Рустамов “коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг вазифалари механик эмас, ижодий характер касб этиши лозим. Унинг вазифалари амалиётга йўналтирилган ҳамда жамиятдаги муносабатларни зарур бўлган йўналишларга ўзгартириш мақсадларига эга бўлмоғи лозим”, - деб фикр билдирган эди⁶⁹.

Фикримизча, юқорида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг вазифалари ҳақида ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган назарий фикрлар коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг умумий вазифалари ҳисобланади. Яъни қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш вазифалари умумий мақсадга йўналтирилган бўлади, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни

⁶⁷Қаранг: Luttermann Karin. Übersichten juristischer Texte als Arbeitsfeld der Rechtslinguistik // de Groot, Gerard-Rene; Schulze, Reiner. Recht und Übersetzen – Baden: .-Baden: Nomos, 1999.- S.56-57.

⁶⁸Саидов А.Х. Қонун ҳужжатларини экспертиза қилиш – ҳуқуқий назария ва амалиёт бирлигининг инъикоси. “Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари”. Илмий-амалий семинар материаллари. / Маъсул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов.- Тошкент:2015. – Б. 15-16.

⁶⁹Рустамов П.А. Научно-информационное обеспечение законотворческой деятельности в Республике Узбекистан. Дисс... канд.юрид.наук.- Ташкент: 2011.-С.15.

коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда кўзланган махсус мақсадлар ҳам мавжуд бўлади.

Юқорида ҳуқуқшунос олимлар томонидан келтирилган қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг умумий вазифалари ҳақидаги назарий қарашларини таҳлил қилган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки, бугунги кунда прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертизанинг махсус вазифалари қуйидагилар ҳисобланади.

– прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини олиб бориш натижасида мамлакатимизда тўла равишда қонунийликни таъминлаш;

– прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини олиб бориш натижасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг самарадорлигини ошириш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– прокуратура органлари томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи омиллар ҳамда шарт-шароитларни тизимли таҳлил асосида ўрганиш;

– прокурор томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш усулларини таклиф этган ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан прокурор назорат ҳужжатларидан самарали тарзда фойдаланиш ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг умумий ва махсус вазифалари прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура

тўғрисида” ги Қонунида белгиланган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг вазифалари билан бир қаторда унинг бажарадиган функцияларини ҳам таҳлил қилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан, бугунги кунга қадар ҳуқуқшунос олимлар томонидан коррупцияга қарши экспертизанинг функциялари ҳақида бир қатор мулоҳазалар юритилган. Хусусан, рус ҳуқуқшунос олими О.А.Короткованинг фикрича, “Қонунчиликда коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини қўллаш функциялари сифатида қонун лойиҳалари ва амалдаги қонунларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш, амалдаги қонунларнинг жамият ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг мақсад ва вазифаларига мослигини баҳолаш тизимини тушуниш керак.”деб таъкидлаган⁷⁰.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, ҳуқуқшунос О.А.Короткова томонидан коррупцияга қарши экспертиза функцияларининг таҳлили жараёнида мазкур функциялар коррупцияга қарши экспертиза функцияларининг умумий хусусиятлари ҳисобланади. Ҳуқуқшунос томонидан коррупцияга қарши экспертизанинг муҳим ва долзарб функциялари борасида мулоҳаза юритмаган.

Тадқиқотчи Т.М.Татишвили эса тадқиқот ишида айнан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, давлатнинг жамиятда ҳуқуқ тартиботни қўриқлаш, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, ва башорат (прогностик) функцияларга эга эканлигини қайд этган⁷¹.

Фикримизча, Т.М.Татишвили томонидан коррупцияга қарши экспертизанинг функциялари ҳақида илгари сурган назарий фикрлари прокуратура органлари фаолиятининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда уларга мувофиқ ҳисобланади. Чунки,

⁷⁰Короткова О.А. Экспертиза законопроектов и законодательных актов: теоритико-правовой аспект. Автореф. дисс....канд.юрид.наук – М.:2016 – С.9.

⁷¹Татишвили Т.М. Конституционное правовые аспекты экспертного сопровождения законодательное деятельности. Дисс....канд.юрид.наук – Москва, 2016. – С.9.

прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилиш сингари асосий вазифаларидан келиб чиқиб ҳолда коррупцияга қарши экспертиза фаолияти асносида давлатнинг жамиятда ҳуқуқий тартиботни қўриқлаш, қонунийликни таъминлаш функциялари долзарб аҳамият касб этади ҳамда ҳуқуқшунос олимлар томонидан коррупцияга қарши экспертизаси фаолиятининг функциялари ҳақида келтирилган назарий фикрлар прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорати давомида прокурор назорати объекти доирасига тааллуқли масалалар ҳисобланади.

Демак, ҳуқуқий адабиётларнинг таҳлили натижасида шунини таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида коррупцияга қарши экспертиза қуйидаги функцияларни бажаради⁷²:

Баҳолаш. Ушбу функция доирасида прокурорлар томонидан илм-фан ютуқлари асосида қонун лойиҳасининг сифатини аниқлайди, шунингдек, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларида акс этган коррупциявий омилларга расмий баҳо берилади.

Қонунийликни ҳимоя қилиш. Мазкур функция доирасида прокурор норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини ҳамда коррупциявий омиллардан холилигини ўрганар экан, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни ҳимоя қилишга ҳисса қўшади.

Ахборот бериш. Мутахассис (эксперт) хулосаси асосида қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказувчи ҳуқуқшунос олим ўзига керакли асосланган ахборотга эга бўлади.

Тақомиллаштириш. Коррупцияга қарши экспертизанинг ушбу функцияси доирасида ҳуқуқшунос олим нафақат мавжуд муаммони кўрсатади,

⁷²Хайитов Х. Қонун ижодкорлигида экспертиза институти / Монография. – Тошкент: LESSON PRESS нашриёти, 2018. – 236 б.

балки уни бартараф этиш йўллари излаб, унга тавсиялар беради. Шу орқали янги ҳуқуқ нормаси яратилишига ва нормада акс этган коррупциявий омилларни бартараф этишга ҳисса қўшади.

Профилактика. Ушбу функция доираси нисбатан кенгроқ ҳисобланиб, прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти давомида мазкур функция туфайли ижтимоий муносабатларни қонун тартибга солиши натижасида ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олди олинади.

Фикримизча, юқорида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнининг махсус функциялари ҳақида фикр юритилди. Мазкур коррупцияга қарши экспертизанинг профилактика функцияси айнан прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан бевосита намоён бўлади. Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолияти бу кенг маънода прокуратура органларининг коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилиш вазифасининг муҳим йўналиши ҳисобланиб, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имконият яратувчи коррупциявий омиллар, сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупциявий тусдаги хавфларнинг вужудга келиш имкониятларини умумий аналитик баҳолаш ва бартараф этиш чоратadbирларини олиб боришга қаратилган муҳим функция ҳисобланади. Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг такомиллаштириш функцияси прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида амалиётда тизимли равишда аниқланган қонунчиликдаги бўшлиқлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда коррупциявий жиноятларни содир этилишига сабаб бўлаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалардаги коррупциявий

омилларни бартараф этиш ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Шунингдек прокуратура органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг такомиллаштириш функцияси орқали қонунчилик ташаббуси орқали янги норма яратилишига ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларида акс этган коррупциявий омилларни бартараф этишга ҳисса қўшади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолияти прокуратура органлари вазифаларининг бир муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш вазифаси доирасида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси 1-қисмига кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлаш мақсадида уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора тадбирларни амалга ошириш ваколатлари доирасида бажарилади. Мазкур Қонунда белгиланган вазифалар бевосита ўзининг доирасига прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини тўлиқ қамраб олади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда коррупцияга қарши экспертиза фаолияти

прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш вазифасининг энг муҳим таркибий фаолияти деб ҳисобланиши юзасидан хулоса келинди.

**II-БОБ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАРНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДАН
ЎТҚАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**2.1. Прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини
ташқил этишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш
масалалари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар деб белгилаб қўйилган⁷³. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасига кўра бирорта ҳам қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормаларига ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги белгиланган⁷⁴. Демак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазкур нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида барча субъектлар ўз фаолиятларини Конституция нормаларига мувофиқ тарзда амалга оширишлари, бирорта ҳам қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормаларига зид келмаслигини таъминлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси, шу жумладан коррупцияга қарши экспертизаси муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31-октябрда қабул қилинган “Коррупцияга қарши” Конвенцияси 5-моддаси “учинчи” қисмига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда амалдаги қонун нормаларини мунтазам равишда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиб борилишининг халқаро ҳуқуқий асослари келтириб ўтилган. Унга кўра ҳар бир аъзо давлатнинг ваколатли давлат органлари вақти-вақти билан коррупцияни олдини олиш ва коррупцияга қарши кураш бўйича тегишли ҳуқуқий воситаларни ва маъмурий чора-тадбирларни қўллаш ва

⁷³Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992. <http://old.lex.uz/docs/896347>.

⁷⁴Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992. <http://old.lex.uz/docs/896347>.

баҳолаш ҳаракатларини амалга ошириш лозимлиги белгилаб қўйилган⁷⁵. Бунда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарадорлигини ва таъсирчанлигини баҳолаш усулини ҳар бир аъзо давлат мустақил равишда ўзи танлайди. Шу маънода норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизасини ҳам бевосита коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг таъсирчанлигини баҳолаш усули сифатида келтиришимиз мумкин. Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлари режаси доирасида Ўзбекистон Республикасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажбурий экспертизасини ўтказиш ҳақидаги талабни ва мазкур экспертизани ўтказишнинг жараёнини тартибга солувчи, шунингдек коррупцияга замин яратадиган нормалар аниқланган тақдирда амалга ошириладиган кейинги ҳаракатлар тўғрисидаги тартибни қабул қилиш бўйича тавсия берилган⁷⁶.

Бугунги кунда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш сингари вазифалар юзасидан прокуратура органлари томонидан назорат остидаги объектларда қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш, жамиятда қонунийликни янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига** кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади⁷⁷. **Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида** прокуратура органларининг асосий вазифалари сифатида қонунийликни

⁷⁵Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши” Конвенцияси, Нью Йорк, 31.10.2003. // <http://old.lex.uz/docs/1304112>.

⁷⁶[Электрон манба]. Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией). <http://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-round-Monitoring-Reports-RUS>.

⁷⁷Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й.,03/21/670/0089-сон](http://www.lex.uz/docs/03/21/670/0089-сон).

мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилиш фаолияти белгилаб қўйилган.⁷⁸ Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси давлат органлари томонидан ўтказилиши белгиланган. Бундан ташқари, **2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ 7 та йўналишдаги** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Бош прокуратура зиммасига юклатилган. Шу билан бирга, амалиётда прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бироқ, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонунида прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида норма мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, илмий тадқиқот ишининг **сўровнома** таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура органлари фаолиятида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни тегишли тартибда бартараф этиш фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида **коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш вазифаси сифатида белгиланишига муносабатинингиз қандай?** деб қаралаши нуқтаи назаридан амалиётчи ходимлар иштирокида ўтказилган **сўровномада 87.1 фоиз** прокурор ходимлар **“ҳа, тўғри”** деб ҳисоблаши, **2.1 фоиз** прокурор ходимлар **“қисман тўғри”** деб ҳисоблаши, **10.8 фоиз** прокурор ходимлар **жавоб беришга қийналишган**⁷⁹.

Демак, прокуратура органларининг мазкур вазифалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш доирасидан келиб чиққан ҳолда

⁷⁸Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 257-П-сон. 29.08.2001. [Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/257-П/1064-сон.](#)

⁷⁹Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-иловаси. 26.04.2022 йил.

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган коррупциявий омиллар ҳамда сабабларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан суиистеъмолликларнинг амалга оширилишига, коррупциянинг турли шакллари вужудга келишига олиб келувчи нормаларни бартараф этишда прокуратура органлари томонидан коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш вазифасини Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида белгилаш долзарб ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **2021 йил 22-октабрда қабул қилинган 5263-сонли қарори** билан тасдиқланган “**Йўл харитаси**”да Бош прокуратурага тегишли соҳалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш учун масъул давлат органи этиб белгиланган. Қолаверса, прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган қонунлар ижроси устидан текширишларда ҳам амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади. Ваҳоланки, қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, давлат органлари, вазирликлар, идоралар, кўмиталар, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини бузувчи, уларга маъмурий бюрократик тўсиқларни юзага келтирувчи, тўлов миқдорларининг аниқ белгиланмаганлиги, шунингдек коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишга олиб келувчи омилларни ўзида акс эттирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан прокурор назорат ҳужжатларини самарали қўллаш қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг асосий вазифаларида бири ҳисобланади.

Фикримизча, хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда **Тожикистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий Қонунида** белгиланганидек, **Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида** прокуратура органларининг фаолият

йўналишларидан бири сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда иштирок этиш йўналиши назарда тутиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2021 йил 25-майда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”**ги 232-сонли⁸⁰ ҳамда 229-сонли⁸¹ **“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ижтимоий соҳада қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”**ги бўйруқларида прокурорлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти йўналиши давомида қонунийлик аҳволи ва прокурор назорати амалиётини мунтазам таҳлил қилиш, тизимли камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатлари, шунингдек ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан, субъектив тарзда, танлов асосида талқин қилиниши ҳамда назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларни кўриш сингари устувор вазифалар белгиланди. Мазкур белгиланган соҳавий вазифалар прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорати доирасида текширилаётган объектларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда соҳани тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнида амалга оширилади. Прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши курашишнинг асосий таркибий қисмлари коррупциянинг олдини олишга, шу жумладан унинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тергов қилиш ҳамда мазкур турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилган

⁸⁰Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг иқтисодий соҳада қонунчилик устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 232-сон. 25.05.2021.

⁸¹Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ижтимоий соҳада қонунчилик устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 229-сон. 25.05.2021.

ҳолда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини таҳлил қилиш асносида амалга оширилади. Агарда статистик рақамларга тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2021 йил давомида алоҳида эътибор қонунийликни мустақкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган вазифалар юзасидан давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларини тизимли равишда ўрганиш натижасида **354.219 та прокурор назорати ҳужжатлари** қўлланилди, шулардан **48.777 та** қонунга зид ҳужжатларга “**протест**” келтирилди ва ноқонуний ҳуқуқий ҳужжат қонунга мувофиқ ҳолатга келтирилган, қонунбузилиши сабабларини бартараф этиш борасида тегишли идораларга **20.779 та “тақдимнома”** киритилган. Бу эса ўз навбатида амалда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга зид, сифатсиз тарзда қабул қилинаётганлиги, айрим ҳолларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўплаб коррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланмоқда⁸².

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, хориж тажрибасига асосан Россия Федерациясининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, шунингдек “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Федерал Қонунига кўра амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Россия Федерацияси прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Федерал Қонунида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси прокуратура органлари томонидан амалга оширилишининг норматив-ҳуқуқий асослари махсус қонунда ҳам белгиланган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қонунлар ижроси устидан текшириш давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг норматив-

⁸²[Электрон манба]. 2021 yilda prokurorlar tomonidan 292.585 nafar shaxsning buzilgan huquqlari tiklandi. <https://sof.uz/uz/post/2021-yilda-prokurorlar-tomonidan-292585-nafar-shaxsning-buzilgan-huquqlari-tiklandi>

ҳуқуқий асосларини махсус қонун ҳужжатида белгилаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси 2-қисм “учинчи” хатбошисини** қуйидаги таҳрирда “амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан – **Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари**, шунингдек Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилишини назарда тутиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорати объектларида текшириш давомида объектларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлаётган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг самарадорлигини ошириш учун амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларга йўл очувчи омилларни мунтазам таҳлил қилиб бориш, бунда энг кўп учрайдиган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай вазифаларни амалга оширишда прокуратура органларида прокурор назорати текширувлари давомида аниқланган қонунга зид равишда ишлаб чиқилган ҳамда коррупциявий омиллари мавжуд бўлган нормаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан олиб бориладиган коррупцияга қарши экспертиза фаолиятни янада такомиллаштириш ва пировард натижада қонунийлик даражасини ошишига хизмат қилади. Шу маънода дастлаб қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг норматив-ҳуқуқий асосларини **Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”** ги Қонунида белгилаш ҳамда прокуратура органларининг энг муҳим асосий вазифаси яъни коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш сифатида қабул қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларида коррупциявий жиноятларни содир этишга шароит яратувчи нормаларнинг мавжудлигини аниқлаш ва прокурор томонидан бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилиши, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда

аниқланган коррупциявий омиллари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш орқали қонун ҳужжатларининг нормаларини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш шу жабҳада мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бугунги кунда прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунини хулоса қилиш мумкинки, прокуратура органлари томонидан мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш, ҳамда прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашни таҳлил қилиш асносида қуйидаги хулосага келинди.

Биринчидан, прокуратура органларининг умумий ваколатларидан келиб чиқиб, коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари биринчи навбатда **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-121-моддаларида** прокуратура органларининг конституциявий ҳуқуқий асосларида мустаҳкамланган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида прокуратура органларининг фаолият йўналишларидан бири сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларин коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда иштирок этиш йўналиши назарда тутиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси 2-қисм “учинчи” хатбошисини қуйидаги тартибда ўзгартириш **“амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари,** шунингдек Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилишини назарда тутувчи нормани белгилаш лозим.

2.2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий масалалари

Бугунги кунда прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳамда қонунлар ижроси устидан назорат давомида текширилаётган объектларда қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишда аниқланган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан прокурор ўзининг қабтий позициясини намоён этиши яъни коррупциявий омилларни бартараф этиш усулларини таклиф этган ҳолда тегишли чоратadbирларни амалга ошириши ҳамда прокурор назорат ҳужжатларидан самарали тарзда фойдаланиши ҳар бир прокуратура ходимининг асосий вазифаси ҳисобланади. Прокуратура органлари томонидан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, прокурор назорати объектларида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш йўлида яъни коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг амалга оширилиши натижасида жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини муҳофаза қилиш қонунийликни тўла таъминлашнинг яна бир самарали усулларидан бири ҳисобланади. Хусусан, тадқиқот ишининг таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, қонунлар ижроси устидан назорат давомида назорат остидаги объектларда қабул қилинган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш прокуратура органлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг самарали механизми бўла олиши нуқтаи назаридан амалиётчи ходимлар иштирокида ўтказилган **сўровномада** деярли **96.9 фоиз** прокурор ходимлар “**ха,**

самарали” деб ҳисоблаши, **3.1** фоиз прокурор ходимлар эса жавоб беришга қийналишган⁸³.

Шунингдек, тадқиқот ишининг таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси юзасидан текширув давомида назорат остидаги объектларда қабул қилинган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиш давомида аниқланган коррупциявий омиллар ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан даярли барча ҳолатларда “тақдимнома” назорат ҳужжатлари қўлланилиб келинмоқда. Жумладан ўтказилган **сўровнома** натижаларига кўра **96.1** фоиз ходимлар “буни тасдиқлашган”⁸⁴.

Бизнингча, прокурор томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органга ёки мансабдор шахсга талаб қўйилиши ёхуд ушбу ҳужжатни бекор қилиш ҳақида қонунда белгиланган тартибда судга ариза билан мурожаат қилиниши орқали прокурор коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ўзининг қабъий позициясини намоён этган ҳисобланади. Жумладан, агар хориж тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, **Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 9¹-моддаси**⁸⁵ ҳамда **172-ФЗ-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 4-моддасига** кўра прокурорнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бекор қилиш юзасидан келтирилган талаби тегишли орган, ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан олинган

⁸³Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-илоvasи. 26.04.2022 йил.

⁸⁴Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-илоvasи. 26.04.2022 йил.

⁸⁵[Электрон манба]. Федералный закон “О прокуратуре Российской Федерации”. Новая редакция, изложенная в федеральном законе от 17.11.1995 № 168 Ф-3. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/

кундан бошлаб **10 кундан** кечиктирмай мажбурий кўриб чиқилиши шарт ҳисобланади⁸⁶.

Бугунги кунда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асослари белгиланмаган. Аммо амалиётда қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бироқ, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида норма белгиланмаган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда прокурорнинг ваколатларини назарда тутувчи **IV¹ боб** билан тўлдирилиши лозим.

Маълумки, прокурор томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда назорат фаолиятининг муваффақиятли тарзда олиб борилиши кўп жиҳатдан прокурорнинг коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганлиги тўғрисидаги ахборот билан таъминланганлиги, қонунийлик ҳолати ва аниқ назоратга кирувчи объектлардаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг мавжуд бўлишига боғлиқ ҳисобланади. **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрдаги 172-сонли буйруғи асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти” нинг “йигирма бешинчи” бандига мувофиқ прокурор назорати давомида қонунчилик ижроси юзасидан текшириш 3 хил ёндашиш асосида олиб борилиши лозимлиги белгиланган.** Булар

⁸⁶[Электрон манба]. Федеральный закон “об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов” № 172-ФЗ. 17.07.2009. (ред. От 11.10.2018). http://www.consultant.ru/documents/cons_doc_LAW/

текширишнинг йўналишидан қабтий назар бу объектда қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари ҳал қилиниши ҳамда юридик хизмат фаолияти самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндашишни талаб қилиш билан боғлиқдир. Мазкур Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрдаги 172-сонли бўйруғи асосида ишлаб чиқилган Регламентда прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган қонунлар ижроси устидан текширишларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни тегишли тартибда бартараф этиш юзасидан тегишли чоратadbирларни амалга ошириш ҳолатини ўрганишга комплекс ёндашишни талаб қилиниши сифатида кўрсатиб ўтилмаган⁸⁷. Жумладан, тадқиқот иши юзасидан амалиётчи прокуратура ходимлари билан ўтказилган мулоқот жараёнида прокуратура ходимлари қонунлар ижроси юзасидан текширув давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрдаги 172-сонли бўйруғи асосида назорат остидаги объектлар томонидан чиқарилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция ва қонунларга мувофиқлиги юзасидан ўрганиш билан боғлиқ жараённинг ўзида камдан кам ҳолларда айрим ҳолларда қисман қонунлар ижроси устидан текширишларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни тегишли тартибда бартараф этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органга таклиф киритиш орқали амалга оширилган⁸⁸. Шунингдек, тадқиқот ишининг **сўровнома** таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, **прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси юзасидан текширув давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши амалга оширилаётганлиги** нуқтаи назаридан амалиётчи ходимлар иштирокида ўтказилган **сўровномада 32.1 фоиз** ходимлар **“шахсан амалга ошираётганлиги”**, **12.1 фоиз** ходимлар **“қисман амалга**

⁸⁷Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлил фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғи. 172-сон. 05.12.2017.

⁸⁸Тадқиқот ишининг муаллифи томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари билан ўтказилган мулоқот жараёни натижалари. (Ўтказилган сана 04.05.2022)

ошираётганлиги”, **55.8** фоиз ходимлар амалиётида “амалга оширишмаганлигини” таъкидлашган⁸⁹. Бундан ташқари, тадқиқот ишининг **сўровнома** натижалари шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устилан назорат давомида назорат остидаги объектларни текшириш давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ва мавжуд ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишда **прокурорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш имкони бор ёки йўқлиги нуктаи назаридан** прокуратура ходимлари ўртасида ўтказилган **сўровномада 91.9** фоиз прокурор ходимлар “**ҳа, имкон мавжуд**” деб ҳисоблашлари, **8.1** фоиз прокурор ходимлар **жавоб беришга қийналишган**⁹⁰.

Фикримизча, мазкур сўровнома натижаларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, прокуратура органлари томонидан қонунларнинг ижросини устидан назоратни амалга оширишда назорат остидаги объектларни текшириш давомида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини бузувчи, уларга маъмурий бюрократик тўсиқларни юзага келтирувчи, аниқ белгиланмаган тўлов миқдорларининг мавжудлиги, шунингдек коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишга олиб келувчи омилларни ўзида акс эттирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан комплекс ёндашишни талаб қилиш билан боғлиқ қонидани **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрдаги 172-сонли бўйруғи асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти” да қаътий белгилаш лозим.**

Бугунги кунда ҳуқуқий ислохотлар даврида прокуратура органларининг назорат фаолиятини замон талабаларига жавоб бера оладиган даражага олиб

⁸⁹Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-иловаси. 06.04.2022 йил.

⁹⁰Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-иловаси. 06.04.2022 йил.

чиқиш лозим. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти давомида прокурорлардан ташаббускорлик, коррупцияга қарши курашишда мурасозлик муҳитини шакллантириш, фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқлилик, адолатпарварлилик талаб қилинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2021 йил 25-майда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги 232-сонли**⁹¹ ҳамда **229-сонли**⁹² **“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ижтимоий соҳада қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги буйруғида** прокурорлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти йўналиши давомида қонунийлик аҳволи ва прокурор назорати амалиётини мунтазам таҳлил қилиш, тизимли камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатлари, шунингдек ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан, субъектив тарзда, танлов асосида талқин қилиниши ҳамда назорат давомида ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларни кўриш сингари вазифалар устувор сифатида белгиланди. Натижада Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2021 йил давомида алоҳида эътибор қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар юзасидан давлат органларининг қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли равишда ўрганиш натижасида **354.219 та прокурор назорати ҳужжатлари** қўлланилди, шулардан **48.777 та** қонунга зид ҳужжатларга протест келтирилди,

⁹¹Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг иқтисодий соҳада қонунчилик устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 232-сон. 25.05.2021.

⁹²Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ижтимоий соҳада қонунчилик устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 229-сон. 25.05.2021.

шунингдек **2.187 та** ҳуқуқий ҳужжатда коррупциявий омиллар аниқланди ва тегишли тартибда **протест** келтирилди ва ноқонуний ҳуқуқий ҳужжат қонунга мувофиқ ҳолатга келтирилган, қонунбузилиши сабабларини бартараф этиш борасида тегишли идораларга **20.779 та тақдимнома** киритилган. Бу эса ўз навбатида амалда қабул қилинган қонуности ҳужжатларнинг қонунга зид, сифатсиз тарзда қабул қилинаётганлиги, айрим ҳолларда ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланмоқда⁹³.

Бугунги ҳуқуқий ислоҳотлар давомида прокуратура органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда қонунлар ижроси устидан назорат давомида назорат остидаги объектларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида коррупциявий жиноятларни содир этилишига сабаб бўлаётган коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш жараёнида прокурор ҳалол, ҳар қандай қонун бузилиш ҳолатларига муросасиз курашиши, ғараз ва паст ниятлардан холис бўлиши, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳар қандай коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш, шунингдек қонун талабларини виждонан бажариши, билими ва малакасини доимий равишда ошириб бориши талаб этилади. Бироқ **сўровнома** таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишда **прокурорларнинг билим ва кўникмалари етарли тартибда мавжуд ва мавжуд эмаслиги нуқтаи назаридан прокуратура ходимлар иштирокида ўтказилган сўровномада 47.1 фоиз** прокурор ходимлар “**ҳа етарли**” деб ҳисоблаши, **53.2 фоиз** ходимлар “**жавоб беришга қийналишганлиги**”, **4.7 фоиз** прокурор ходимлар **бошқача фикрда эканлиги** намоён бўлди⁹⁴. Бунга асосий сабабларидан бири, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни

⁹³[Электрон манба]. 2021 yilda prokurorlar tomonidan 292.585 nafar shaxsning buzilgan huquqlari tiklandi. <https://sof.uz/uz/post/2021-yilda-prokurorlar-tomonidan-292585-nafar-shaxsning-buzilgan-huquqlari-tiklandi>

⁹⁴Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-илоvasи. 06.04.2022 йил.

аниқлашда айрим объектив сабабларга кўра ходимларнинг билим ва кўникмалари етарли тартибда эмаслиги ёки иш ҳажмининг кўплиги сабабли барча ишлар билан батафсил ҳамда тўлиқ танишиш имконияти йўқлигидир. Бундан ташқари, тадқиқот иши давомида ташкил қилинган **сўровномада** прокурорларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва самарали тарзда бартараф этиш юзасидан **соҳавий билими ва малакасини доимий, узлуксиз равишда ошириб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида ўқитиш курсларини ташкил қилишга муносабатингиз қандай?** деб берилган саволларга прокурор ходимларнинг **82.8 фоизи “ижобий”** муносабатда эканлиги, ҳамда **17.1 фоиз** ходимлар **бетараф эканлигини** билдиришган⁹⁵.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини ташкил қилишда бугунги кунда амалиётда бир қатор ташкилий-ҳуқуқий муаммолар мавжуд. Мазкур ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни таҳлил қилиш асносида қуйидаги хулосага келинди.

Биринчидан, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш бўйича аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан комплекс ёндашишни талаб қилиш билан боғлиқ қондани **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрдаги 172-сонли бўйруғи асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти”** нинг **“йигирма бешинчи” бандида** қабътий белгилаш лозим.

Иккинчидан, прокуратура органлари ҳар қандай қонун бузилиш ҳолатларига мурасасиз курашиши, ғараз ва паст ниятлардан холис бўлиши, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устворлигини таъминлаш, қонунийликни

⁹⁵Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-илоvasи. 06.04.2022 йил.

мустаҳкамлаш ҳамда ҳар қандай коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш, шунингдек қонун талабларини виждонан бажариши, билими ва малакасини доимий равишда ошириб бориш ва ривожлантириш мақсадида **“Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича” услубий кўлланма** ишлаб чиқилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида коррупциявий жиноятларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш, барҳам бериш ва олдини олиш прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишига айланмоғи лозим. Мазкур фаолият юзасидан қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти давомида нафақат қонунларнинг ижросини текшириш балки қонунийликни таъминлаш нуктаи назардан давлат органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлаётган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни баҳолаш, ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бундай вазиятда прокурорларнинг текширув давомида давлатдаги қонунийлик ҳолатида бевосита акс этаётган устувор йўналишларни танлаб олишлари муҳим ҳисобланади.

III БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИГА ОИД ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятига оид хориж тажрибаси

Халқаро стандартлар. Шунини таъкидлаш керакки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолияти кўпгина дунё мамлакатларида мавжуд эмас. Асосан коррупцияга қарши экспертиза МДХ мамлакатлари ва Болтиқбўйи давлатлари, Европадаги собиқ сотсиалистик мамлакатлар ҳамда Осиё ва Африканинг айрим мамлакатларида мавжуд бўлган коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив чоралар тизими ҳисобланади. Жумладан, 2008 йил июнь ойида Европа Кенгаши ва Россия Федерацияси Давлат Думаси коррупцияга қарши комиссия билан биргаликда ташкил этилган халқаро давра суҳбатида Европа Кенгаши эксперти Буюк Британиялик Симон Годдарднинг баёнотида кўра Буюк Британия коррупцияга қарши экспертиза фаолияти умуман мавжуд эмас ҳатто тушунча ҳам йўқ, қонунчиликни ишлаб чиқишда нормаларни таъсирини баҳолаш тизими мавжуд деб таъкидлаган⁹⁶. Шунингдек, халқаро ҳуқуқ амалиёти ва суд-ҳуқуқ тизими ривожланиши натижасида прокуратура органларининг фаолияти бўйича қатор халқаро мезонлар – стандартлар шаклланган. Бундай стандартлар дастлаб тажриба сифатида қарор топиб, кейинчалик халқаро ҳужжатлар билан ўрнатилган. Масалан, 1990 йил 7 сентябрда Кубанинг Гавана шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муомала қилиш бўйича 8-Конгресси томонидан **“Прокурорларнинг роли тўғрисидаги тавсиялар”** қабул қилинган⁹⁷. Тавсияларда айбловчиларни танлаш, касбий тайёрлаш ва уларнинг мақоми, прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини вазифалари, ваколатлари ва ихтиёрларининг

⁹⁶С.С.Фомченко. Антикоррупционная экспертиза нормативных правовых актов прокуратуры в России и странах СНГ / Молодой ученый. - 2020.-№33(323).- С-106-110.

⁹⁷[Электрон манба]. Guidelines on the Role of Prosecutors // <http://www.chchr.org/>. (мурожаат вақти: 15.06.2022 й.)

чегараси ва жиноят процессидаги ролига эътибор қаратилган. Мазкур ҳужжат прокуратура органларининг ушбу йўналишдаги ишини баҳолашда қўлланиладиган халқаро стандартлар доирасини ифода этади⁹⁸. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1604-сонли (2003) **“Қонунлар устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратура роли ҳақида”**ги тавсияларига кўра, Ассамблея қонун устуворлигини ҳимоя қилиш, фуқароларни жиноий тажовузлардан асраш ҳамда коррупциявий жиноятларга қарши курашишда прокуратуранинг ролини юқори деб ҳисоблайди⁹⁹. Бундан ташқари, Европа Кенгаши Вазирлар Кўмитасининг (2012) 11-сонли **“Прокурорларнинг жиноий судловдан ташқаридаги роли тўғрисида”**ги тавсиялари давлатнинг ички ҳуқуқий тизими прокурорлар жиноий судловдан ташқари функцияларини назарда тутган барча ҳолатлар учун таклиф этилган. Бунда, прокурорларнинг жиноий судловдан ташқари вазифалари умумий ва жамоат манфаатлари, инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқ устуворлигини ифодалаш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш ҳисобланади¹⁰⁰. Прокурорларнинг жиноий судловдан ташқари функция ва ваколатлари барча ҳолатларда қонунда назарда тутилиши ва бирон-бир тушунмовчилик бўлмаслиги учун аниқ белгиланиши лозим.

Фикримизча, халқаро ташкилотлар томонидан прокуратура органларининг жиноий таъқиб қилиш вазифасидан ташқари, коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олишдаги вазифалари ҳам алоҳида таъкидланиб ўтилган. Мазкур вазифа юзасидан прокуратура органлари томонидан айрим давлатларда қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши таъсирини баҳолаш ёки коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш фаолиятини

⁹⁸[Электрон манба]. <http://www.unodc.org/pdf/criminal-justice/10-2547-2justice-3ebook.pdf/>. (мурожаат вақти: 15.06.2022 й.)

⁹⁹[Электрон манба]. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1604-сонли (2003) “Қонунлар устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратура роли ҳақида”ги Тавсияси // <http://www.coe.int/T/r/Parliamentary-Assembly/>.

¹⁰⁰ [Электрон манба]. Европа Кенгаши Вазирлар Кўмитасининг (2012) 11-сонли “Прокурорларнинг жиноий судловдан ташқаридаги роли тўғрисида”ги Тавсияси// . URL:<http://www.rm.coe.int/1680a21d04/>.

амалга ошириш коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Демак, бугунги кунда прокуратура органларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда коррупцияга қарши экспертиза фаолияти мавжуд бўлган айрим мамлакатларнинг тажрибалари билан танишиб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Венгрия Халқ Республикаси. Шарқий Европанинг айрим давлатларида ҳам қонунлар ижроси устидан прокурор назорат функциясини таъминлаш давомида қонунийликни мустаҳкамлаш ва коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишни тўла равишда рўёбга чиқаришда прокурор назорати давомида амалда бўлиб турган қонунчилик ҳужжатларини ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни коррупциявий аломатларга қарши текшириш амалиёти йўлга қўйилган. Бу эса ўз навбатида, прокурор назорати давомида қонунийликни мустаҳкамлаш ва коррупциянинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Венгрия Халқ Республикаси прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза институти мамлакатда прокурор назоратини таъминлаш доирасида норматив-ҳуқуқий ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни текшириш жараёнида коррупцияга қарши баҳоланиб борилади.

**Венгрия Халқ Республикаси прокуратура органлари томонидан
коррупцияга қарши экспертизанинг ҳуқуқий асослари.**

Венгрия Халқ Республикаси Конституциясига кўра, ягона марказлашган прокуратура органлари барча жамоат ташкилотлари, давлат органлари ва фуқароларнинг қонунларга риоя этишига кўмаклашади. Қонун бузилган тақдирда қонунийликни ҳимоя қилиш чораларини кўради¹⁰¹. Хусусан, Венгрия Халқ Республикаси 2011 йил 28-ноябрда қабул қилинган **“Прокуратура хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига** кўра прокуратура органларининг асосий вазифалари сифатида прокуратура органлари мамлакатда қонунийликни таъминлаш мақсадида маъмурий органларда қонун бузилиш ҳолатлари қайд этилганда маъмурий органлар томонидан зудлик билан қонун

¹⁰¹[Электрон манба]. Constitution of Hungary. http://www.constituteproject.org/constitution/Hungary_2011.pdf/

бузилиш ҳолатлари баратараф этилмаганида давлат органида қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида прокуратура органлари зудлик билан чораларни кўришни амалга оширади¹⁰². Мазкур Қонуннинг “еттинчи” бўлими прокуратура органларининг маъмурий органлар билан муносабатларини тартибга солади. Жумладан, **“Прокуратура хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига** кўра прокуратура органлари томонидан маъмурий органлар томонидан чиқарилаётган ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам равишда коррупцияга қарши текшириш, Конституция ва қонунларга мувофиқлигини таҳлил қилиш юзасидан қонунийлигига доимий равишда ҳуқуқий баҳо берилади¹⁰³.

Венгрия Халқ Республикаси прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертизанинг ташкилий масалалари.

Венгрия Халқ Республикасининг **“Прокуратура хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига** кўра прокуратура органлари томонидан маъмурий органларнинг ноқонуний ҳамда коррупциявий омил аниқланган ҳужжатларига нисбатан протест киритилади. Ушбу протестлар ҳужжатни чиқарган органга ёки юқори турувчи маъмурий органга тақдим этилиши керак. Юқори турувчи маъмурий органнинг қарори узил-кесил ҳисобланади ва камдан кам ҳоллардагина бу масалада бахслашиш судлар даражасида ҳал қилинади. Прокуратура қонун ҳужжатларининг Конституцияга мослигини ҳам назорат қилади ва Конституциявий судга шикоятлар билан мурожаат этишга ҳақли. Прокуратура томонидан маъмурий органлар томонидан қонунни ижро этиш учун чиқарилган якка тартибдаги маъмурий қарорлар ва ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқласа қарорлар ва ҳужжатлар юзасидан протест келтириш ваколати ҳам берилган. Венгрия Халқ Республикаси прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши текширув институтининг яна бир ижобий жиҳати текшириш объектларининг нисбатан кенглиги ҳисобланади.

¹⁰²[Электрон манба] Act. “on the prosecution service of Hungary” № CLXIII. The act was adopted by Parliament at its session on 28 November 2011. <http://www.Venice.coe.int/>.

¹⁰³[Электрон манба] Act. “on the prosecution service of Hungary” № CLXIII. The act was adopted by Parliament at its session on 28 November 2011. <http://www.Venice.coe.int/>.

Жумладан, “Прокуратура хизмати тўғрисида”ги Қонунига кўра прокуратура органлари юридик низоларнинг муайян турларини кўриб чиқувчи носудлов органларини ва кооперативлар ходимлари ёки аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид низоларни кўриб чиқувчи органларни ҳам назорат қилади¹⁰⁴. Мазкур органлар чиқарган норматив ҳужжатлар прокурор назорати доирасига ҳам киради.

Бизнинг таҳлилимизча, Венгрия Халқ Республикаси прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза институти тўғридан тўғри “Прокуратура хизмати тўғрисида”ги Қонунида кўрсатилмаган. Бироқ прокуратура органлари томонидан маъмурий органларда қонунийликни таъминлашда ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ўзининг вазифаларидан келиб чиқиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши баҳолаш ва текшириш асносида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида, ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, қуйидаги кўрсаткичлар бунинг яққол мисолидир. Transparency International ташкилотининг 2021 йилда эълон қилган таҳлилларига кўра Венгрия Халқ Республикаси “коррупцияни идрок этиш индекси” да (Corruption Perception Index кейинги ўринларда CPI) 180 та давлатларнинг орасидан 43 балл билан 73 ўринни банд қилди¹⁰⁵.

Россия Федерацияси. Коррупциявий жиноятларга қарши курашиш Россия Федерацияси давлат сиёсатидаги энг муҳим стратегик устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар давлатнинг тизимли муаммоси ҳисобланиб, давлатнинг барқарорлиги, иқтисодий ва молиявий ривожланишига таҳдид солади, давлат бошқаруви самарадорлигини пасайтиради ва ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради. Россия Федерацияси Бош прокуратураси ва тергов кўмитасининг маълумотларига кўра 2020 йилда Россия Федерациясида коррупциявий жиноятлар содир этилиши

¹⁰⁴[Электрон манба] Act. “on the prosecution service of Hungary” № CLXIII. The act was adopted by Parliament at its session on 28 November 2011. <http://www.Venice.coe.int/>.

¹⁰⁵[Электрон манба] <http://www.transparency.org/lists/view/3327/>.

натижасида жамият ва давлатга етказилган зарар **21 млрд рублга** баҳоланган¹⁰⁶. Жумладан, Россия Федерациясида коррупциявий жиноятларнинг энг хавфли кўринишларига қарши курашиш ва олдини олишда катта тажрибага ва салоҳиятга бой ҳисобланган Бош прокуратура коррупциявий жиноятларга қарши курашишда асосий давлат органи сифатида белгиланди. Бугунги кунда мазкур мамлакатда коррупциявий жиноятларга қарши курашиш ва олдини олиш прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Россия Федерацияси прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертизанинг ҳуқуқий асослари.

Бугунги кунда Россия Федерацияси прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза икки йўналиш доирасида амалга ошириб келинмоқда. Биринчи йўналиш доираси Россия Федерациясининг 1995 йил 17-ноябрда янги таҳрирда қабул қилинган 168-ФЗ-сонли **“Россия Федерацияси прокуратура тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 9¹-моддаси** кўра Россия Федерацияси прокуратура органлари прокурорлари федерал ижро этувчи ҳокимият органлари, Россия Федерацияси субъектларининг давлат ҳокимият органлари, давлат органлари, ташкилотлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқий актларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиб боришади¹⁰⁷. Иккинчи йўналиш доирасида эса умумий прокурор назорати давомида давлат органларининг ҳуқуқий актларини текшириш давомида уларда коррупциявий омиллар бор йўқлиги жиҳатидан коррупцияга қарши экспертиза ўтказилиб борилади. Жумладан, мазкур йўналиш доирасида Россия Федерацияси прокуратура органлари томонидан 2020 йил давомида ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси доирасида, прокурорлар томонидан назорат остидаги объектларнинг **978**

¹⁰⁶Официальный сайт Генеральной Прокуратуры РФ. <http://www.genproc.gov.ru/stas/news/archive/news-723864/>.

¹⁰⁷[Электрон манба] Федералный закон “О прокуратуре Российской Федерации”. Новая редакция, изложенная в федеральном законе от 17.11.1995 № 168 Ф-З. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/

мингдан ортиқ ҳуқуқий актлар ўрганилиб чиқилди ва уларнинг 67 мингдан ортиғида коррупциявий жиноятларни содир этилишига сабаб бўлаётган шарт-шароитлар ва омиллар борлиги аниқланди ва натижада прокуратура органлари томонидан назорат ҳужжатлари қўлланилганидан сўнг тегишли давлат органлари томонидан коррупцион омиллар чиқариб ташланди¹⁰⁸. Россия Федерацияси Давлат думаси томонидан 2009 йил 17-июлда қабул қилинган 172-ФЗ-сонли **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”**ги Федерал Қонунининг 2-моддасига кўра Россия Федерацияси прокуратураси томонидан коррупцияга қарши экспертизаси ушбу Федерал Қонун ва “Россия Федерацияси прокуратураси тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади¹⁰⁹.

Россия Федерацияси прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертизанинг ташкилий масалалари.

Россия Федерациясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши” Конвенцияси ҳамда Европа Кенгашининг “коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияларини ратификация қилиши Россия Федерацияси Бош прокурарасининг коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш ваколатларининг нафақат ҳуқуқий балки ташкилий шарт-шароитларни яратилишига сабаб бўлди. Хусусан, Россия Федерацияси Бош прокурори Ю.Я.Чайка томонидан тасдиқланган прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш стратегияси ишлаб чиқилди. Россия Федерациясининг **“Прокуратура тўғрисида”**ги Федерал Қонунида прокуратура органларининг назорат доираси торайтирилди ва умумназорат текширувлари фақат қонунбузилиши ҳақида хабар тушган тақдирда ўтказилиши белгиланди (муқаддам қонун ҳужжатларида режа бўйича текширувлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган эди). Мазкур қонун прокуратура фаолиятининг учта йўналишини белгилаб берди, яъни фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини

¹⁰⁸Официальный сайт Генеральной Прокуратуры РФ. <http://www.genproc.gov.ru/smi/news/archive/news-723864/>.

¹⁰⁹[Электрон манба] Федерелный закон “об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов” № 172-ФЗ. 17.07.2009. (ред. От 11.10.2018). http://www.consultant.ru/documents/cons_doc_LAW/

таъминлаш; жиноятчиликка қарши курашда қонунийликни таъминлаш ҳамда прокурор назорати усуллари воситасида туб итисодий ислохотларга кўмаклашиш¹¹⁰. Жумладан, коррупциявий жиноятларни олдини олишда прокурор текширувларини ўтказиш ҳамда норматив актларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари Россия Федерацияси ҳукуматининг 2010 йил 26-февралда қабул қилинган 96-сонли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси ўтказиш методологияси билан белгиланади. Бундан ташқари, Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2009 йил йил 28-декабрда қабул қилинган 400-сонли буйруғи асосида **“Прокуратура органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказиш”нинг тасдиқланган услубиёти** ишлаб чиқилди¹¹¹.

Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2009 йил йил 28-декабрда қабул қилинган 400-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилган **“Прокуратура органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказиш”нинг тасдиқланган услубиётига** кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупция келтириб чиқарадиган омиллар мавжудлигини ўрганиш муддатлари белгиланган. Унга кўра федерал органлар, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб тегишли прокурор томонидан **2 ой** ичида, бошқа ҳуқуқий актлар **1 ой** ичида кўриб чиқилиши шарт ҳисобланади. Бош прокурорининг 2018 йил йил 13-мартда қабул қилинган 400-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилган **“Прокуратура органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказиш”нинг тасдиқланган услубиётига** кўра агар прокурор текшируви давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда коррупцияни келтириб

¹¹⁰ Шульженко Ю.Л. Конституционный статус прокуратуры Российской Федерации. – М., 1999. –С. 27-28

¹¹¹[Электрон манба]. <http://www.consultant.ru/document/cons-doc-LAW-89553/ad890e68b83c920baeae9b/>.

чиқарадиган омиллар аниқланган тақдирда тегишли прокурор ушбу норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилган ёки хуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилган ваколатли мансабдор шахсга норматив-хуқуқий ҳужжатда ёки хуқуқий актда аниқланган ва коррупциявий жиноятларга сабаб бўлаётган омилларни чиқариб ташлаш бўйича таклиф билан ўзгартириш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиши шартлиги белгилаб қўйилган¹¹². Россия Федерацияси 172-ФЗ-сонли **“Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”**ги Федерал Қонунининг 4-моддасига кўра прокурорнинг талаби тегишли орган, ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай мажбурий кўриб чиқилиши ва ушбу ҳужжатни қабул қилган орган, ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олиниши шарт ҳисобланади¹¹³. Мазкур Федерал Қонуннинг 4-моддаси “учинчи” бандига мувофиқ тегишли прокурорнинг Россия Федерациясининг таъсис этувчи субъекти давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органига юборилган норматив-хуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни баргараф этиш ва ўзгартириш киритиш тўғрисидаги илтимоси тегишли органнинг навбатдаги йиғилишида мажбурий кўриб чиқилиши керак ва унга мувофиқ ҳисобга олиниши шарт. Прокурорнинг талабларини кўриб чиқиш натижалари ҳақида дарҳол талаб юборилган прокурор хабардор қилиниши лозим. Прокурорнинг норматив-хуқуқий ҳужжатга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги талаби устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин¹¹⁴. Россия Федерацияси 172-ФЗ-сонли **“Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг**

¹¹²[Электрон манба] Приказ Генеральный прокурор Российской Федерации. 28.12.2009. №400. (ред.от.13.03.2018). “Об организации проведения антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов”. <http://www.bazanpa.ru/genprokuratura-rossii-prikaz-n-400-ot-2812209-h1465589/>

¹¹³[Электрон манба] Федеральный закон “об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов” № 172-ФЗ. 17.07.2009. (ред. От 11.10.2018). http://www.consultant.ru/documents/cons_doc_LAW/

¹¹⁴[Электрон манба] Федеральный закон “об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов” № 172-ФЗ. 17.07.2009. (ред. От 11.10.2018). http://www.consultant.ru/documents/cons_doc_LAW/

лойихаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Федерал Қонунига кўра тегишли прокурор федерал қонунчиликка зид бўлган ва коррупциявий жиноятларни келтириб чиқарадиган омилларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш, ундан коррупциявий омилларни чиқариб ташлаш учун унга ўзгартириш киритиш тўғрисида судга ариза киритиш ҳуқуқига эга. Прокурор томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш, ундан коррупциявий омилларни чиқариб ташлаш учун унга ўзгартириш киритиш тўғрисида талаби тегишли давлат органи мансабдор шахси томонидан рад этилган тақдирда прокурор тегишли тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш, ундан коррупциявий омилларни чиқариб ташлаш учун унга ўзгартириш киритиш тўғрисида судга ариза киритиш ҳуқуқига эга ҳисобланади¹¹⁵. Суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш ва коррупциявий жиноятларни келтириб чиқараётган омилларни бекор қилиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш ариза киритган прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилиши шарт. Россия Федерациясининг 1995 йил 17-ноябрда янги таҳрирда қабул қилинган 168-ФЗ-сонли **“Россия Федерацияси прокуратура тўғрисида”ги** Федерал Қонунига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш ва амалга ошириш учун жавобгарлик масалалари Россия Федерацияси Бош прокурори ўринбосарига, федерал округлардаги бўлим бошлиқларига, Россия Федерацияси таъсис субъектлари прокурорларига, шаҳар ва туман прокурорларига, бошқа ҳудудий ва унга тенглаштирилган ҳарбий прокурорларга ҳамда бошқа ихтисослаштирилган прокуратураларига юкланади¹¹⁶.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш мумкинки, Россия Федерацияси прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг жорий этилиши мамлакатда коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш, шунингдек,

¹¹⁵[Электрон манба] Федералный закон “об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов” № 172-ФЗ. 17.07.2009. (ред. От 11.10.2018). http://www.consultant.ru/documents/cons_doc_LAW/

¹¹⁶[Электрон манба] Федералный закон “О прокуратуре Российской Федерации”. Новая редакция, изложенная в федеральном законе от 17.11.1995 № 168 Ф-3. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/

мамлакатнинг халқаро рейтингларда ўрни янада яхшиланишига сабаб бўлди деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Transparency International ташкилотининг 2008 йилда эълон қилган таҳлилларига кўра Россия Федерацияси “коррупцияни идрок этиш индекси” да (Corruption Perception Index кейинги ўринларда CPI) 180 та давлатларнинг орасидан 146 ўринни банд қилган бўлса, 2020 йилга келиб эса эълон қилинган “коррупцияни идрок этиш индекси” да 29 балл билан 180 та давлатларнинг орасидан 146 ўринни эгаллади¹¹⁷. Бугунги кунда Россия Федерацияда коррупцияга қарши экспертиза фаолияти прокуратура органларининг асосий вазифалари ҳисобланиб, прокурор назорати давомида соҳалар кесимида тўла тартибда самарали тарзда олиб борилмоқда.

Тожикистон Республикаси. Бугунги кунда халқаро муносабатларда ўз ўрнини яхшилашга ҳаракат қилаётган Тожикистон Республикасида коррупциявий жиноятларга қарши курашиш ва олдини олиш давлат вазифаларининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, халқаро рейтингларда ўз ўрнини яхшилашга ҳаракат қилмоқда.

Тожикистон Республикаси прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертизанинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари.

Тожикистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш махсус ваколатли давлат органлари сифатида давлат молиявий назорати ва “коррупцияга қарши кураш” Агентлик зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш ва олдини олишда прокуратура органларига кенг ваколатлар берилган. Жумладан, Тожикистон Республикасининг 2017 йил 24-февралдаги 1393-сонли Қонуни билан **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”**ги Қонунининг 15-моддасига қўшимчалар киритилди ва мазкур Қонуннинг 15-моддасида Тожикистон Республикаси Бош прокурорининг ҳамда унга бўйсунувчи прокурорларнинг норматив-ҳуқуқий

¹¹⁷[Электрон манба]. <http://www.transparency.org/lists/view/3327/>.

хужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ваколатлари аниқ белгиланди. Унга кўра Тожикистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар ўз ваколатларини амалга ошираётганида улар томонидан норматив-ҳуқуқий хужжатларда коррупцияга сабаб бўлувчи омиллар аниқланганда Тожикистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда қонун чиқарувчи органга ёки давлат молиявий назорати ҳамда коррупцияга қарши курашиш агентлигига мажбурий равишда кўриб чиқилиши лозим бўлган тақдимнома келтирилиши белгиланди. Демак, бугунги кунда Тожикистон Республикаси прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятидаги ваколатлари 2005 йил 25-июлда қабул қилинган 107-сонли **“Тожикистон Республикаси прокуратура органи тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни** ҳамда **“Норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни**да аниқ белгилаб қўйилган¹¹⁸.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, Тожикистон Республикаси прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти прокурор назорати давомида амалга оширилмоқда. Мазкур прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш лозим. Чунки прокурор томонидан норматив-ҳуқуқий хужжатнинг нормасида аниқланган коррупциявий омиллар тўғрисида ваколатли давлат органига тақдимнома келтириш тизимининг йўлга қўйилганлиги ва унинг ижросини назорат қилиниши ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза институтининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қирғизистон Республикаси. Қирғизистон Республикаси мамлакатда коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашиш сифатида норматив-ҳуқуқий хужжатларни (лойиҳаларини) ҳамда давлат органларининг

¹¹⁸[Электрон манба]. Конституционный закон Республики Таджикистан от 25.07.2005. № 107. “Об органах прокуратуры Республики Таджикистан”. [http://www. Prokuratura.tj/ru/legislation/the-constitutional-law-on-the-prosecutors-office-of-tajikistan.html/](http://www.Prokuratura.tj/ru/legislation/the-constitutional-law-on-the-prosecutors-office-of-tajikistan.html/).

маъмурий актларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятни кенг қамровли превентив чора сифатида қўллаб келмоқда.

**Қирғизистон Республикаси прокуратура органлари томонидан
коррупцияга қарши экспертизанинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари.**

Қирғизистон Республикасининг 2012 йил 8-августда қабул қилинган 153-сонли **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига** кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш коррупцияни олдини олиш чора тадбирлари сифатида белгиланган¹¹⁹. Бугунги кунда Қирғизистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш ва олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида Қирғизистон Республикаси Бош прокуратурасига ҳам бир қатор ваколатлар берилган. Жумладан, Қирғизистон Республикасининг 2012 йил 8-августда қабул қилинган 153-сонли **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига** кўра Қирғизистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар ўз ваколатлари доирасида Қирғизистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, давлат бошқарув органлари ва маҳалий ўзини ўзи бошқарув органларининг коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича фаолиятларини мувофиқлаштиради, давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида коррупция ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади, кўрилаётган чора тадбирларни такомиллаштириш юзасидан Қирғизистон Республикаси хавфсизлик Кенгаши котибиятига кўриб чиқиш учун таклифлар киритади, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасида Қирғизистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади¹²⁰. Бундан ташқари, Қирғизистон Республикасининг янги таҳрирда 2021 йил 10-сентябрда қабул қилинган 114-сонли **“Қирғизистон Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги**

¹¹⁹[Электрон манба] Закон Республики Кыргызстан. “О противодействии коррупции”. 08.08.2012. № 153. <http://www.cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru/ru/203753/40?cl=ky-kg/mode=tekst/>.

¹²⁰[Электрон манба]. Закон Республики Кыргызстан. “О противодействии коррупции”. 08.08.2012. № 153. <http://www.cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru/ru/203753/40?cl=ky-kg/mode=tekst/>.

Қонунининг 49-моддаси “тўртинчи” бандига кўра Қирғизистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Бош прокуратура амалдаги қонунларни ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизасини амалга оширади¹²¹. Мазкур Қонунга мувофиқ прокурор фаолиятининг асосий йўналишлари доирасида прокурор назорати давомида текширилаётган объектнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан прокурор тегишли назорат ҳужжатларини қўллаши шартдир.

Назаримизда, Қирғизистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш ва коррупциявий жиноятларни олдини олишда коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ташкил қилишда прокуратура органлари томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органларининг куч ва салоҳиятидан етарли тартибда фойдаланиш йўлидан бормоқда.

Сингапур Республикаси. Сингапур давлати коррупцияга қарши курашишда самарали тажрибага эга давлатлардан ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакат коррупциядан ҳоли мамлакатлардан бири ҳисобланади. Жумладан, Transparency International ташкилотининг 2021 йилда эълон қилган таҳлилларига кўра Сингапур Республикаси “коррупцияни идрок этиш индекси” да (Corruption Perception Index кейинги ўринларда CPI) 180 та давлатларнинг орасидан 85 балл билан 4 ўринни банд қилди¹²².

Сингапур Республикаси прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертизанинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари.

Сингапур Республикаси мамлакатда коррупциявий жиноятларга қарши курашиш учун иккита асосий қонунга таянади. Сингапур Республикасининг **“Коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни (РСА)** ва **“Коррупция, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқа оғир жиноятлар тўғрисида”ги Қонунлар (CDSA)** шулар жумласидандир. Сингапур Республикасининг

¹²¹[Электрон манба]. Закон Кыргызской Республики. “О прокуратуре Кыргызской Республики”. 10.09.2021 г. № 114. <http://cbd.minjust.gov.kg/view/ru-ru/112293/>.

¹²²[Электрон манба] <http://www.transparency.org/lists/view/3327/>.

коррупцияга қарши стратегиси тўртта жиҳатларни ўзида мужассамлаштирди. Булар коррупциянинг олдини олишда самарали, коррупциявий омиллардан ҳоли қонунчилик, судларнинг тўла мустақиллиги, самарали ҳуқуқий тартибот ва давлат хизматининг шаффофлигидир. Мамлакатда самарали қонунчиликни таъминлашда коррупцияга қарши экспертиза фаолияти муҳим ҳисобланиб, Сингапур Республикаси прокуратура органлари бу фаолиятда муҳим рол ўйнайди. Жумладан, мамлакат прокуратура тизимининг ҳуқуқий асослари мамлакат Конституциясида мустаҳкамланган. Хусусан, Сингапур Республикаси **Конституциясининг 35(1)-моддасига** кўра Бош прокурор бир вақтнинг ўзида давлат прокурори ҳисобланади¹²³. Сингапур Республикаси прокуратурасида қонунчилик бўлими мавжуд бўлиб, лекин мазкур бўлим томонидан назорат эмас, балки тавсиявий-маслаҳат бериш вазифаси юклатилган. Яъни, мазкур бўлим ўз ичига тўрт гуруҳни жамлаган. Мазкур бўлим амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг лойиҳаларини таҳрирлайди, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омиллар ҳақида тегишли субъектларга хабар бериш вазифаси юклатилган. Лекин норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни баргараф этиш ҳақида берилган маълумот тегишли субъект учун тавсиявий характерга эга ҳисобланади. Шунингдек қонунчилик бўлими томонидан давлат органларига қонунчиликни ривожлантириш бўйича маслаҳат беради. Мазкур қонунчилик бўлимида фаолият юритувчи қонун лойиҳаси ва тафтиш гуруҳи мавжуд қонунларни кўриб чиқади ва коррупцияга қарши баҳолаб боради.

Юқоридаги таҳлиллار асосида хулоса қилиш мумкинки, айрим хорижий мамлакатларнинг прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза қонунийликни таъминлаш ва коррупциявий жиноятларни олдини олиш доирасида прокурор назорати давомида ташкил қилинган.

¹²³[Электрон манба] Constitution of the Republic of Singapore. 9-august 1965. <http://www.Singapore/statutes-online.sso.ag/Act/>.

3.2. Ўзбекистонда прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар озчилик ташкил этмоқда. Хусусан, бугунги кунда прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти тизими илмий жиҳатдан тадқиқ этилмаган мавзу ҳисобланади. Айтиш лозимки, прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти институтининг илмий-назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни қуйидаги уч йўналишга ажратган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аксарият хориж мамлакатларининг тажрибаларига таянган ҳолда, шунингдек прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этишда илмий изланишлар олиб борган аксарият олимларнинг хулосаларидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини биринчи навбатда махсус қонун ҳужжатларида акс эттириш орқали мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

I. Назарий асосларни такомиллаштириш масалалари

1. Магистрлик тадқиқот иши натижасида ҳуқуқшунос олимларнинг прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг илмий-назарий хулосалари асосида прокуратура органлари ўз ваколатларини амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омиларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш сингари чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси жараёнининг элементларини ўз ичига қамраб олади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида амалдаги норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси таърифи муҳим жараёнларни ўз ичига қамраб олган. Мазкур жараёнлар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертиза қилиш натижасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш,

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўриш сингари жараёнлар ҳисобланади.

Демак, юқорида келтирилган назарий асослар бўйича прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш, бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда чоралар кўриш сингари чоратadbирларни амалга ошириш юзасидан мазкур фаолиятни прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти деб номланиши юзасидан хулоса келинди.

2. Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш вазифаси доирасида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси 1-қисмига кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлаш мақсадида уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора тadbирларни амалга ошириш ваколатлари доирасида амалга ошириб келинмоқда. Мазкур Қонунда белгиланган вазифалар прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилидан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини тўлиқ қамраб олади.

3. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддаси кўра амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг иш режалари асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4505-сонли Қарори асосида тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомига кўра амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича ҳуқуқий мониторинг ҳар бир давлат органи ва ташкилотлари томонидан амалга оширилмоқда. Ҳар бир ҳуқуқий мониторинг бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш давлат органларининг юридик хизмат бўлимларига юклатилган, Адлия вазирлиги эса ҳуқуқий мониторинг жараёнини мувофиқлаштириб боровчи махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди. Бу эса ўз навбатида давлат органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилидан келиб чиқиб, коррупциявий омилларни аниқлашда самарадорлик жиҳатининг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда. Агарда хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак,¹²⁴ Россия Федерацияси Давлат думаси томонидан 2009 йил 17-июлда қабул қилинган 172-ФЗ-сонли “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Федерал Қонунига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Федерал адлия вазирлиги томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Россия Федерацияси прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан текшириш давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳамда адлия органлари томонидан ҳам амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини ўзаро ҳамкорликда ташкил қилиш самарали жиҳат ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон

¹²⁴Официальный сайт Генеральной Прокуратуры РФ. <http://www.genproc.gov.ru/smi/news/archive/news-723864/>.

Республикаси “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси 2-қисм “учинчи” хатбошисини қуйидаги таҳрирда “амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан коррупцияга қарши экспертиза жараёнини прокуратура органлари томонидан ташкил қилиниши билан боғлиқ ўзгартиш киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

II. Қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган масалалар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади¹²⁵. Тадқиқот ишининг **сўровнома** натижалари шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишда прокурорлар томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш имкони бор ёки йўқлиги нуқтаи назаридан прокуратура ходимлари ўртасида ўтказилган **сўровномада 91.9 фоиз** прокурор ходимлар “**ҳа, имкон мавжуд**” деб ҳисоблашлари, **1.2 фоиз** прокурор ходимлар “**йўқ, имкони мавжуд эмас**” деб ҳисоблашлари, **6.9 фоиз** прокурор ходимлар **жавоб беришга қийналишган**¹²⁶.

Шуни таъкидлаш ўринлики, бизнингча бугунги кунда прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини ташкил қилиш ва олиб боришнинг норматив-ҳуқуқий асосларини белгилаш ва мустаҳкамлашнинг айрим камчиликлари мавжуд. Жумладан, **2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сонли қарор** билан тасдиқланган “**Йўл харитаси**”га мувофиқ **7 та йўналишдаги** норматив-ҳуқуқий

¹²⁵[Электрон манба] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й.,03/21/670/0089-сон.](#)

¹²⁶Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-илоvasи. 06.04.2022 йил.

хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Бош прокуратура зиммасига юклатилган. Шу билан бирга, амалиётда прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий хужжатлардаги коррупция омилларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бироқ, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида норма мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, илмий тадқиқот ишининг таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура органлари фаолиятида амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни аниқлаш ва тегишли тартибда бартараф этиш фаолиятинининг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида **коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш вазифасини белгиланишига муносабатинингиз қандай?** деб қаралаши нуқтаи назаридан амалиётчи ходимлар иштирокида ўтказилган **сўровномада 87.1 фоиз** прокурор ходимлар **“ҳа, тўғри”** деб ҳисоблаши, **2.1 фоиз** прокурор ходимлар **“қисман тўғри”** деб ҳисоблаши, **10.8 фоиз** прокурор ходимлар **жавоб беришга қийналишган**¹²⁷. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб,

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **2021 йил 22-октябрда қабул қилинган 5263-сонли қарори** билан тасдиқланган **“Йўл харитаси”**да Бош прокуратурага тегишли соҳалар бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш учун масъул этиб белгиланган. Қолаверса, прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган қонунлар ижроси устидан текширишларда ҳам амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади. Демак, **Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида** прокуратура органларининг фаолият йўналишларидан бири сифатида норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан

¹²⁷Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-илоvasи. 06.04.2022 йил.

ўтказишда иштирок этиш йўналишини назарда тутишнинг истиқболларни таҳлил қилиш лозим.

Иккинчидан, амалиётда қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бироқ, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида норма белгиланмаган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда прокурорнинг ваколатларини назарда тутувчи **IV¹ боб** билан тўлдирилишининг истиқболларни таҳлил қилиш лозим.

Учинчидан, қонунлар ижроси устидан текширишларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни тегишли тартибда бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолатини ўрганишга комплекс ёндашишни талаб қилиш билан боғлиқ қоидани **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрдаги 172-сонли бўйруғи** асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти” нинг “йигирма бешинчи” бандига акс эттирилишининг амалиёт жараёнидаги ижобий жиҳатлари ўрганилиши лозим.

II. Ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ташкил қилинган коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг амалиётда самарали тарзда олиб борилиши, сифатли тарзда ташкил қилиниши ҳамда ҳуқуқни қўллашда ягоналикни таъминлаш прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши

экспертиза жараёнининг ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш билан боғлиқ ҳисобланади. Жумладан, тадқиқот ишининг таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси юзасидан текширув давомида назорат остидаги объектларда қабул қилинган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши давомида аниқланган коррупциявий омиллар ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан **“тақдимнома”** назорат ҳужжатлари мунатазам равишда қўлланилиб келинмоқда. Жумладан ўтказилган **сўровнома** натижаларига кўра **96.1 фоиз** ходимлар **“буни тасдиқлашган”**¹²⁸.

Маълумки, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2021 йил 25-майда қабул қилинган 229 ва 232 сонли буйруқлар** асосида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш жараёнида белгилаб берилган вазифалар доирасида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг ижросини амалда самарали ва сифатли тарзда олиб борилиши прокурорларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларининг етарли тартибда шаклланганлигига боғлиқдир. Жумладан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳар қандай коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш, шунингдек қонун талабларини виждонан бажариши, билими ва малакасини доимий равишда ошириб бориши талаб этилади. Бироқ таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишда прокурорларнинг билим ва кўникмалари етарли тартибда мавжуд ва мавжуд эмаслиги нуқтаи назаридан прокуратура ходимлар иштирокида ўтказилган **сўровномада 47.1 фоиз** прокуратура ходимлари **“ха етарли”** деб ҳисоблаши, **53.2 фоиз** ходимлар **“жавоб беришга қийналишганлиги”**, **4.7 фоиз** прокурор

¹²⁸Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-илоvasи. 06.04.2022 йил.

ходимлар **бошқача фикрда эканлиги** намоён бўлди¹²⁹. Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва самарали бартараф этиш юзасидан прокурорларнинг соҳавий билимларини ошириш мақсадида “Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича” услубий қўлланма ишлаб чиқишга зарурат бор деб ўйлайсизми деб номланган прокуратура ходимлар иштирокида ўтказилган **сўровномада** прокуратура ходимларининг **50 фоизи “ха, зарурат мавжуд”** деб ҳисоблаши, прокуратура ходимларининг **12.3 фоизи “йўқ, зарурат мавжуд эмаслигини” 37.7 фоизи “бошқа фикрда эканлиги”** таъкидлашган. Демак, таҳлил натижаларига кўра бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва тартибга солишнинг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 25-майдаги 229 ва 232-сонли буйруқларининг ижроси сифатида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида коррупцияга қарши экспертиза жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлашда прокуратура ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш ва шакллантиришнинг истиқболларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, прокуратура органлари ҳар қандай қонун бузилиш ҳолатларига муросасиз курашиши, ғараз ва паст ниятлардан холис бўлиши, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳар қандай коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш, шунингдек қонун талабларини виждонан бажариши,

¹²⁹Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари. Қаранг: Диссертация тадқиқот ишининг 3-илоvasи. 06.04.2022 йил.

прокурорларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан кўникмаларини ошириш мақсадида “Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича” услубий қўлланма ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш керакки, юқорида амалга оширилган таҳлиллар, амалий хулосалар ва хорижий тажрибани ўрганиш давомида бир қанча назарий, ташкилий ва амалий тавсия, ижтимоий сўровномалар ҳамда шу борада жамланган фикрларимизни келтириб ўтдик. Ишонамизки, келтирилган тавсияларимиз коррупцияга қарши курашишда ва олдини олишда ислохотларнинг туб моҳияти саналган мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг, тадбиркорларнинг ҳамда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ўз ҳиссасини қўшади.

ХУЛОСА

Тадқиқот давомида таҳлил қилинган фикрларга таянган ҳолда бизнинг хулосавий ғояларимизни **уч гуруҳга** бўлиб, уларда тегишли тавсия ва таклифларни аниқ ва тизимли равишда изоҳлаймиз:

I. Назарий хулосалар

1. Прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг вазифалари ҳамда функцияларини тадқиқ қилган ҳуқуқшунос олимларнинг назарий-илмий қарашларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза жараёнининг барча жараёнларини яъни прокуратура органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни қамраб олиш нуқтаи назардан мазкур фаолиятни бевосита прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти деб номланиши юзасидан хулоса келинди.

2. Давлатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш, уларни вужудга келишига сабаб бўлган омиллар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан коррупцияга қарши экспертиза фаолияти олиб бориш прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратнинг мақсади ҳисобланади.

3. Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолияти прокуратура органлари вазифаларининг бир муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш вазифаси доирасида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси 1-қисмига кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиншини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини

таъминлаш мақсадида уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ваколатлари доирасида бажарилади. Мазкур Қонунда белгиланган вазифалар бевосита ўзининг доирасига прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини тўлиқ қамраб олади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда коррупцияга қарши экспертиза фаолияти прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш вазифасининг энг муҳим таркибий фаолияти деб ҳисобланиши юзасидан хулоса келинди.

II. Амалий-ташкилий тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида прокурорларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан кўникмаларини ошириш мақсадида “Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича” услубий қўлланма ишлаб чиқилиши лозим.

2. Қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолияти жараёнида коррупциявий омилларни аниқлашда прокурорларнинг билим ва кўникмалари мунтазам ошириб бориш мақсадида соҳа прокурорлари учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академиясида ўқитиш курсларини узвий ташкил этилиши лозим.

III. Қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси 1-қисмига кўра ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 22.10.2021 йилдаги ПҚ–5263-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да Бош прокуратурага тегишли соҳалар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш учун масъул давлат органи этиб белгиланган. Мазкур устувор вазифалардан келиб чиқиб, **Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси 1-қисми 10-хатбошисини** янги жумла билан тўлдирилиб, қуйидаги таҳрирда қабул қилиниши таклиф қилинади:

4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш, шунингдек ўз ваколатларини амалга оширишда амалдаги **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда** иштирок этиш.

2. Хориж тажрибасига асосан Россия Федерациясининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, шунингдек “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Федерал қонунига кўра амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Россия Федерацияси прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Федерал қонунида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси прокуратура органлари томонидан амалга оширилишининг норматив-ҳуқуқий асослари махсус қонунда ҳам белгиланган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қонунлар ижроси устидан текшириш давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини махсус қонун ҳужжатида белгилаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси 2-қисм “учинчи” хатбошисини қуйидаги таҳрирда ўзгартирилиши таклиф қилинади:

29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси

“амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, шунингдек Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилади.

3. Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асослари белгиланмаган. Аммо амалиётда қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда прокурорнинг ваколатларини назарда тутувчи **IV¹ боб** билан тўлдирилиши лозим:

IV¹ боб. Қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш

32¹-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш

Прокуратура органлари қонунлар ижроси устидан назоратда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг якуний таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек ўз ваколатларини амалга оширишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказди.

32²-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор томонидан қонунлар ижроси юзасидан текшириш давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш усулларини таклиф этган ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича уни қабул қилган органга ёки мансабдор шахсга тегишли тартибда маълум қилинади, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан тегишли назорат ҳужжатлари қўлланилади.

Прокурорнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган талаби уни қабул қилган орган ёки мансабдор шахс томонидан 30 кунлик муддатда мажбурий тарзда кўриб чиқилиши ва натижаси ҳақида маълумот берилиши лозим.

III. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруғини такомиллаштиришга оид таклиф:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрдаги 172-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг” Регламентининг “йигирма бешинчи” бандини қуйидаги мазмунда тўлдириш таклиф қилинади.

25. Муайян қонунчилик ижроси юзасидан текшириш, қоида тариқасида тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказилади.

Текширишнинг йўналишидан қатъи назар, бу объектда қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга мувофиқлигини, **коррупциявий омиллардан ҳолилиги**, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳал қилиниши, юридик хизмат фаолияти самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндашишни талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир //Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси - <https://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>.

II. Маърузалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 28 май куни кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокамаси.
[URL:http://www.uza.uz/uz/2021/05/29/corruptions/](http://www.uza.uz/uz/2021/05/29/corruptions/).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси /президент.уз/уз/листс/виев/137).
[URL:http://uza.uz/oz/politics/](http://uza.uz/oz/politics/)
3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи. // [URL:http://uza.uz>t&soerct=j&uuza.uz/uz/post./](http://uza.uz>t&soerct=j&uuza.uz/uz/post./)
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б.Б.Валиевнинг 2021 йил 9-июлдаги АОКА да ўтказилган брифингдаги нуткидан. [URL:http://www/gazeta.uz/uz/2021/07/09/corruption-crime/](http://www/gazeta.uz/uz/2021/07/09/corruption-crime/).

III. Статистик манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи. // [URL:http://uza.uz>t&soerct=juuza.uz/uz/post./](http://uza.uz>t&soerct=juuza.uz/uz/post./)
2. Коррупция қарши курашиш агентлиги директори А.Бурхановнинг “Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имиджига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил этиш тўғрисида”ги АХБОРОТИ.
[URL:http://www.anticorruption.uz/uzc/item/2021/09/24//uz/statistic./](http://www.anticorruption.uz/uzc/item/2021/09/24//uz/statistic./)

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ.
[URL:http://senat.uz/uz/lists/view/4295./](http://senat.uz/uz/lists/view/4295/)
4. Прокуратура органлари томонидан 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот. // [URL:http://t.me./uzbprokuratura./](http://t.me./uzbprokuratura/)
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ. // [URL:http://senat.uz/uz/lists/view/4295./](http://senat.uz/uz/lists/view/4295/)
6. “Corruption is costing the global economy \$3.6 trillion dollars every year” 2018. [URL:http://www.weforum.org/agenda/2021/12/the-global-economy-loses-3-6-trillion-to-corruption-each-year./](http://www.weforum.org/agenda/2021/12/the-global-economy-loses-3-6-trillion-to-corruption-each-year/)
7. [URL:http://www.parliament.gov.uz//uz/statistic/uhk-2021-statistik ma`lumotlar./](http://www.parliament.gov.uz//uz/statistic/uhk-2021-statistik-ma-lumotlar/)

IV.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши” Конвенцияси, Нью Йорк, 31.10.2003. // <http://old.lex.uz/docs/1304112>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.12.1992 й., 03/21/671/0093-сон. <https://www.lex.uz/acts/20596>;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2001 йил 29 август, 04.12.2019 й.,23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.;
4. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 419-сон. 03.01.2017. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/419/3177-сон.](http://www.lex.uz/acts/20596)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2833-сон. 14.03.2017. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02/1972/2833/56-](http://www.lex.uz/acts/20596)

- сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 30.04.2021 йилдаги ПФ 6218-сонли Фармони. [http://lex.uz/docs/5400414./](http://lex.uz/docs/5400414/)
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 22.10.2021 йилдаги ПҚ-5263-сонли қарори. <http://lex.uz/docs/5691402./>
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 60-сон. 28.01.2022. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/082-сон.](http://lex.uz/docs/5691402./)
 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27.05.2019 йилдаги ПФ 5729-сонли Фармони. [http://www.lex.uz/docs/4355387./](http://www.lex.uz/docs/4355387/)
 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармон. 6257-сон. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/66257/0645-сон.](http://lex.uz/docs/4355387/)
 11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.;
 12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонун

хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й.,
03/21/675/0126-сон. <https://lex.uz/docs/111460>;

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони;

V. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор буйруқлари

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлил фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғи. 172-сон. 05.12.2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ижтимоий, иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи. 166-сон. 24.11.2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг иқтисодий соҳада қонунчилик устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 232-сон. 25.05.2021.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ижтимоий соҳада қонунчилик устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 229-сон. 25.05.2021.

VI. Хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатлари

1. Федеральный закон “О прокуратуре Российской Федерации”. Новая редакция, изложенная в федеральном законе от 17.11.1995 № 168 Ф-3.
2. Федерелный закон “об антикоррупционной экспертизе нормативных правовых актов и проектов нормативных правовых актов” № 172-ФЗ. 17.07.2009. (ред. От 11.10.2018).

3. Приказ Генеральный прокурор Российской Федерации. 28.12.2009. №400. (ред.от.13.03.2018). “Об организации проведения антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов”.
4. Конституция Республики Беларусь. 15-марта 1994 года. [URL:http://www.pravo.by/document/guid/01489/](http://www.pravo.by/document/guid/01489/)
5. Законы Республики Беларусь “О борьбе с коррупцией”. 15.07.2015. №305.[URL:http://www.pravo.by/document/guid/3871/view/90878/documents/stat/9482047/pravo.by/78753822/guid/document/](http://www.pravo.by/document/guid/3871/view/90878/documents/stat/9482047/pravo.by/78753822/guid/document/)
6. Законы Республики Беларусь “О борьбе с коррупцией”. 15.07.2015. №305.[URL:http://www.pravo.by/document/guid/3871/view/90793547373579375/pravo.by/stat/gov.by/78642323924254047/guid/9798/](http://www.pravo.by/document/guid/3871/view/90793547373579375/pravo.by/stat/gov.by/78642323924254047/guid/9798/).
7. Законы Республики Беларусь “о нормативных правовых актов”. 17.07.2018.[URL:http://www.pravo.by/document/guid/769545640683/pravo.by/75356353857932t27guid/35365242/stat/gov.by724284670128/](http://www.pravo.by/document/guid/769545640683/pravo.by/75356353857932t27guid/35365242/stat/gov.by724284670128/).
8. Конституционный закон Республики Таджикистан от 25.07.2005. № 107. “Об органах прокуратуры Республики Таджикистан”. [URL:http://www.prokuratura.tj/ru/legislation/view/3877780117/](http://www.prokuratura.tj/ru/legislation/view/3877780117/).
9. Constitution of Hungary. 1-January 2012. [URL:http://www.Venice.coe.int/](http://www.Venice.coe.int/).
10. Act. “on the prosecution service of Hungary” № CLXIII. The act was adopted by Parliament at its session on 28 November 2011. [URL:http://www.Venice.coe.int/](http://www.Venice.coe.int/).
11. Constitution of the Republic of Singapore. 9-august 1965. [URL:http://www.Singapore/statutesonline.sso.ag.gov.sg/Act/int/](http://www.Singapore/statutesonline.sso.ag.gov.sg/Act/int/).

VII. Дарсликлар ва ўқув кўлланмалар

1. Пўлатов Б.Х. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунлар ижро этилиши устидан прокурор назорати. Ўқув кўлланма. - Т.: Тошкент тезкор босмаҳонаси, 2007. - 312 б.
2. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 884 б.

3. Ҳайитов Х. Қонун ижодкорлигида экспертиза институти / Монография. – Тошкент: LESSON PRESS нашриёти, 2018.
4. Исломов З.М. Давлат ҳуқуқ назарияси. – Тошкент, Адолат, 2007.- Б. 591-592.
5. Корзун И.Г. Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по противодействию коррупции. – С. 17.; Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью. – С. 13-14.
6. Селезнева О. В. О некоторых проблемах организации правовой экспертизы // Право: Теория и Практика. 2003. № 8. С. 61–63.
7. Захарова .И.А. Проведение прокурором антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов: смешение надзорной и правотворческой функций прокуратуры // Экспертиза нормативных правовых актов и их проектов на предмет коррупциогенности: содержание, значение, методика проведения: сб.ст. / под ред. О.С.Капинус и А.В.Кудашкина.М., 2010. С.85.
8. Кудашкин А.В. Антикоррупционная экспертиза: теория и практика: науч.-практ. Пособие. С.57.

**VIII. Диссертация, монография, автореферат ва
мақолалар:**

1. Пўлатов Б.Х. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунлар ижро этилиши устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланма. - Т.: Тошкент тезкор босмахонаси, 2007. - 312 б.
2. Саидов А.Х. Қонун ҳужжатларини экспертиза қилиш – ҳуқуқий назария ва амалиёт бирлигининг инъикоси. “Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари”. Илмий-амалий семинар материаллари. / Маъсул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов.- Тошкент:2005. – Б. 15-16.

3. Исмаилов Б. И. Совершенствование механизмов осуществления антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов в Республике Узбекистан.// Б.И.Исмоилов.
4. Мухамедов Ў. Қонун ҳужжатлари экспертизасининг назарий ва амалий муаммолари // “Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари”. Илмий-амалий семинар материаллари /. – Т.: 2005.
5. Ҳайитов Х. Қонун ижодкорлигида экспертиза институти / Монография. – Тошкент: LESSON PRESS нашриёти, 2018.
6. Ибрагимов З.С. Правовые проблемы совершенствования деятельности прокуратуры в системе органов государственной власти Республики Узбекистан : автореферат дис... кандидата юридических наук : 12.00.01.- Ташкент, 1997.
7. Кудашкин А.В.К вопросу о предмете и объекте антикоррупционной экспертизы // Административное и муниципальное право. – 2010.
8. Захарова .И.А. Проведение прокурором антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов: смешение надзорной и правотворческой функций прокуратуры // Экспертиза нормативных правовых актов и их проектов на предмет коррупциогенности: содержание, значение, методика проведения: сб.ст. / под ред. О.С.Капинус и А.В.Кудашкина.М., 2010.
9. Миронов А.Н. Экспертиза проектов нормативных правовых актов федеральными органами исполнительной власти // Административное право и процесс.-2012,-№2.-С.
10. Винокуров, А. Ю. Требование в системе правовых средств прокурорского надзора /А. Ю. Винокуров // Экспертиза нормативных правовых актов и их проектов на предмет коррупциогенности: содержание, значение, методика проведения : сборник статей / под общ. ред.О. С. Капинус, А. В. Кудашкина. — М. : Акад. Ген. прокуратуры РФ, 2010.
11. Сидельников Ю.В. Экспертиза нормативных правовых актов сегодня и завтра.- М., 1997.

12. Филатов С.В. Анतिकоррупционная экспертиза нормативных правовых актов (их проектов)//Законность.- 2013.-№ 2.
13. Бударатов С.М. Объекты предмет антикоррупционной экспертизы правовых и проектов. (The object and subject of anti-corruption expertise of legal acts and their drafts), Вопросы судебной реформы: право, экономика, управлении. 2009.
14. Анतिकоррупционная экспертиза нормативно-правовых актов и их проектов / Е.В.Россинской, В.В. Астанин, И.С. Барзилова и др. – М.: Проспект, 2010. – 96 с.
15. Талапина Э.В., Южаков В.Н. Методика первичного анализа (экспертизы) коррупциогенности нормативных правовых актов / под ред. В.Н.Южакова.,2007.
16. Юзхаков.В. (2008). Анतिकоррупционная экспертиза нормативных-правовых актов: методика, опыт и преспективи. Public Administration Issues,но 2,pp.
17. А.А.Лерняков и Черняков А.А. Коррупция и её юридические признаки. //Борьба с организованной преступностью и коррупцией. //Мат-лы международ конф. Алма-Аты, 1996.
18. Фральцев В.С. Экспертиза деятельност как системный процесс. Автореф.дис....канд.юрид.наук – М.: 2008.
19. Короткова О.А. Экспертиза законопроектов и законодательных актов: теоритико-правовой аспект.Автореф. дисс....канд.юрид.наук – М.:2010 .
20. Капитанова Ю.В. Основы координации деятельности прокуратуры по борьбе с преступностью: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.11 / НИИ проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре Рос. Федерации. – М., 2002. – С. 21.
21. Корзун И.Г. Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по противодействию коррупции. – С. 17.;

Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью. – С. 13-14.

22. Калита И.А. Деятельность органов прокуратуры по противодействию коррупции: автореф. дис. ... на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук: 12.00.11 / АО ВПО Московский гуманитарный ун-т. – М., 2013. – 25 с
23. Абдиров Н.М., Кобзарев Ф.М. Координационная деятельность прокуратуры Республики Казахстан по противодействию коррупции: опыт правового и организационного обеспечения // Вестн. Акад. Генеральной прокуратуры Рос. Федерации. – 2015. – №5 (49). – С. 47-56.
24. Brown, A., & Head, B. (2005). Descriptions of anti-corruption expertise. Australian Journal of Public Administration, 64(2).
25. Anachiarico, F. (1996). The pursuit of absolute integrity: anti-corruption of expertise. New York: Oxford University Press.
26. Jacobs J.B. (1996). Anti-corruption of expertise of prosecutor. New York: Oxford University Press.

IX. Атамалар изоҳи бўйича манбалар:

1. Юридик энциклопедия / Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда.Т.: - Шарк, 2001. - 656-б.
2. Словарь иностранных слов. М.: Русский язык, 1982. С-575.
3. Философский словарь. М.: Наука, 1978. С.74.

X. Интернет сайтлари:

1. <https://lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. <https://www.norma.uz/oz/> – ахборот-ҳуқуқий портал
3. <https://president.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-саҳифаси.
4. <https://prokuratura.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси расмий веб-саҳифаси.

5. <http://diss.natlib.uz/> – диссертация ва авторефератлар электрон илмий кутубхонаси

6. <https://cyberleninka.ru/> – электрон илмий кутубхона

7. <https://www.elibrary.ru/> – электрон илмий кутубхона

8. <https://adilet.zan.kz/> – Қозоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ахборот-ҳуқуқий тизими.

9. <https://prosecutorialperformanceindicators.org/>

10. <http://unctad.org/>

11. <https://worldjusticeproject.org>

12. <http://pravogizn.h1.ru>

13. <http://qomus.info>

14. <http://lawlibrary.ru>

15. <http://www.consultant.ru>

16. <http://www.pravo.org.ua/>

17. <http://constitution.uz/uz>

18. <http://norma.uz>

19. <http://www.consultant.ru>

20. <http://uzjournals.edu>

21. <https://rm.coe.int>

22. <http://www.gesetze-im-internet.de/sgg/>

23. www.drjv.org.

24. <http://www.vestnik.vsu.ru>

25. <http://www.unn.ru>

26. <http://injustjournal.ru>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН
ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан_____да қабул қилинган.

Сенат томонидан_____да маъқуллунган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29-августда қабул қилинган ЎРҚ-257-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484/-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон, 23.01.2020 й., 03/20603/0071-сон, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375/-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон, 01.06.2022 й., ___/___/___-сон), қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

1) 4-модданинг:

биринчи қисми ўнинчи ҳатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларини ҳамда ҳуқуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда иштирок этиш».

2) IV¹ боб билан тўлдирилиб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш».

3) Қуйидаги мазмундаги 32¹-моддаси билан тўлдирилсин:

«Прокуратура органлари қонунлар ижроси устидан назоратда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг якуний таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек ўз ваколатларини амалга оширишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказди».

4) Қуйидаги мазмундаги 32²-моддаси билан тўлдирилсин:

«Прокурор томонидан қонунлар ижроси юзасидан текшириш давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш усулларини таклиф этган ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича уни қабул қилган органга ёки мансабдор шахсга тегишли тартибда маълум қилинади, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан тегишли назорат ҳужжатлари қўлланилади.

Прокурорнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган талаби уни қабул қилган орган ёки мансабдор шахс томонидан 30 кунлик муддатда мажбурий тарзда кўриб чиқилиши ва натижаси ҳақида маълумот берилиши лозим».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20-апрелда қабул қилинган ЎРҚ-682-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,

03/21/682/0354-сон, 20.04.2021 й., 03/22/756/0180-сон, 03.03.2022 й.,

_____//_____/_____-сон), қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

5) 29-модданинг:

иккинчи қисми учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан – Ўзбекистон

Республикаси прокуратура органлари, шунингдек Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш.М.МИРЗИЁЕВ

**Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг
Прокуратура тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳаси бўйича**

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

I. Қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш асослари

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси давлат органлари томонидан ўтказилиши белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги 5263-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ 7 та йўналишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Бош прокуратура зиммасига юклатилган. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупция омилларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда.

II. Қонун лойиҳасини қабул қилишнинг зарурлиги

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш юзасидан прокуратура органлари вазифаларини янада такомиллаштирилиши натижасида уларнинг коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олишда самарали фаолиятларини янада ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, хориж тажрибаси ва бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни

амалга оширишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини норматив-ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида мустаҳкамлаш;

иккинчидан, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

учинчидан, мазкур лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш орқали қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини химоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ш. Қонун лойиҳаси мазмуни

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси 1-қисмига кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги 5263-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да Бош прокуратурага тегишли соҳалар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш учун масъул этиб белгиланган. Мазкур устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси 1-қисми 10-хатбошиси матни қуйидаги таҳрирда баён қилинмоқда:

“Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва

улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда иштирок этиш”.

Шу билан биргаликда, амалиётда қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бироқ, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида норма белгиланмаган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда прокурорнинг ваколатларини назарда тутувчи **IV¹ боб** билан тўлдирилмоқда”.

“Қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш”.

Шунингдек, 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ 7 та йўналишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Бош прокуратура зиммасига юклатилган. Жумладан, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда алоҳида 32¹-модда билан тўлдирилмоқда”.

“Прокуратура органлари қонунлар ижроси устидан назоратда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг якуний таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек ўз ваколатларини амалга оширишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш”.

Таҳлил натижаларига кўра амалиётда прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупция омилларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда.

Бироқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан тавсия хусусиятига эга бўлган таклифни киритиш самарасиз жараён ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 32²- модда билан тўлдирилмоқда”.

“Прокурор томонидан қонунлар ижроси юзасидан текшириш давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш усулларини таклиф этган ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича уни қабул қилган органга ёки мансабдор шахсга тегишли тартибда маълум қилинади, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан тегишли назорат ҳужжатлари қўлланилади.

Прокурорнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган талаби уни қабул қилган орган ёки мансабдор шахс томонидан 30 кунлик муддатда мажбурий тарзда кўриб чиқилиши ва натижаси ҳақида маълумот берилиши лозим”.

Лойиҳани ишлаб чиқишда қатор хорижий мамлакатларнинг (Венгрия Халқ Республикаси, Сингапур Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси) махсус қонун ҳужжатлари ўрганилди ҳамда уларнинг ижобий тажрибаси инобатга олинди.

IV. Молиявий ҳаражатлар

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қўшимча маблағ талаб қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси

Бош прокурори

З-даражали Давлат

адлия маслаҳатчиси

Н.Т.Йўлдошев

**Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги
Қонун лойиҳасига**

ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ

№	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асос
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ			
1.	<p>4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари</p> <p align="center">Тўлдирилмоқда.</p>	<p>4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари</p> <p align="center">6-хатбоши.</p> <p>Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда иштирок этиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.10.2021 йилдаги ПҚ–5263-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да Бош прокуратурага тегишли соҳалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш учун масъул этиб белгиланган. Шунингдек, қонунлар ижроси устидан текширишларда ҳам амалдаги норматив-ҳуқуқий</p>

			<p>ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади. Украина Республикасининг “Прокуратураси тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасидан келиб чиқиб, прокуратура органларининг фаолият йўналишларидан бирига коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда иштирок этиш йўналиши назарда тутилмоқда.</p>
--	--	--	--

2.	<p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда.</p>	<p>IV¹ боб. Қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш</p>	<p>Қонунлар ижроси устидан назорат давомида прокуратура органларининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда иштирокини қабътий таъминлаш мақсадида мантиқий изчилликни таъминлаш мақсадида бобга ажратилмоқда.</p>
----	--	---	--

<p>3.</p>	<p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда.</p> <p style="text-align: center;">32¹-модда.</p>	<p>32¹-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш</p> <p>Прокуратура органлари қонунлар ижроси устидан назоратда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг яқуний таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек ўз ваколатларини амалга оширишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказди.</p>	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси давлат органлари томонидан ўтказилиши белгиланган.</p> <p>Бундан ташқари, 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ 7 та йўналишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Бош прокуратура зиммасига юклатилган. Жумладан, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда алоҳида норма киритилмоқда.</p>
-----------	--	---	---

<p>4.</p>	<p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда.</p> <p style="text-align: center;">32²-модда.</p>	<p>32²-модда. Прокурорнинг ваколатлари</p> <p>Прокурор томонидан қонунлар ижроси юзасидан текшириш давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш усулларини таклиф этган ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича уни қабул қилган органга ёки мансабдор шахсга тегишли тартибда маълум қилинади, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан тегишли назорат ҳужжатлари қўлланилади.</p> <p>Прокурорнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган талаби уни қабул қилган орган ёки мансабдор шахс томонидан 30 кунлик муддатда мажбурий тарзда кўриб чиқиши ва натижаси ҳақида маълумот берилиши лозим.</p>	<p>Амалиётда прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупция омилларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, уни қабул қилган органга киритилмоқда. Бироқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан тавсия хусусиятига эга бўлган таклифни киритиш самарасиз жараён ҳисобланади. Шунингдек амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ҳақида норма мавжуд эмас.</p> <p>Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига 17.07.2009 йилда прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга</p>
-----------	--	--	---

			<p>бағишланган алоҳида 9¹-модда киритилган.</p> <p>Юқоридагилардан келиб чиқиб, прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда алоҳида норма киритилмоқда.</p>
--	--	--	--

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасига

ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ

№	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асос
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ			
1.	<p>29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси</p> <p align="center">Тўлдирилмоқда.</p>	<p>29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси</p> <p align="center">2-қисм 3-хатбоши.</p> <p>“амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, шунингдек Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилади.</p>	<p>Хориж тажрибасига асосан Россия Федерациясининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, шунингдек “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Федерал Қонунига кўра амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Россия Федерацияси прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда амалдаги норматив-ҳуқуқий</p>

			<p>хужжатлар коррупцияга қарши экспертизаси прокуратура органлари томонидан амалга оширилишининг норматив-ҳуқуқий асослари махсус қонунда белгиланган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қонунлар ижроси устидан текшириш давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини махсус қонун хужжатида белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси 2-қисм “учинчи” хатбошисини қуйидаги тахрирда ўзгартирилиши назарда тутилмоқда.</p>
--	--	--	---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш
самарадорлигини янада ошириш тўғрисида**

2022 йил “ ” ____ -сон Тошкент шаҳри

Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, фуқаролар, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат соҳасидаги вазифалари коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш, коррупциявий жиноятларни содир этилишига сабаб бўлаётган давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат эканлиги таъкидлансин.

2. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш самарадорлигини янада ошириш соҳасида:

– фаолият самарадорлигини мунтазам таҳлил асосида ташкилий ўтказиш усулларини янада такомиллаштириб бориш;

– қонунда белгиланган ваколатлар орқали қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни янада мустаҳкамлаш ҳамда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш;

– коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратаётган давлат бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида акс этган коррупциявий омилларни самарали аниқлаш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни самарали бартараф этиш чора тадбирларини амалга ошириш ва такомиллаштириш;

– коррупциявий жиноятларни олдини олиш, шунингдек жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

– соҳада ишларни такомиллаштириш мақсадида замонавий ва илғор усулларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни жорий қилиш;

– фаолият самарадорлигини тизимли равишда ўрганиш, юклатилган вазифаларни тўлиқ ва ҳар томонлама амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

– давлат бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва коррупциявий омилларни бартараф этиш орқали қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг

ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда самарали фойдаланиш;

– қонунийлик ва коррупциявий жиноятчиликнинг аҳволи, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг чуқур тизимли таҳлил асосида фаолиятни самарали ва сифатли режалаштириш;

– прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини амалга оширишда ходимлар маъсулиятини ошириш прокуратура органларининг асосий вазифалари этиб белгилансин.

3. Фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида:

– ахборот-услубий ва таҳлилий хусусиятдаги “Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича” амалий услубий қўлланма 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда прокурор ваколатлари:

– коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз тарзда курашиш ва олдини олиш;

– жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик, ижтимоий адолат, тинчлик ва миллий тотувликни мустаҳкамлашга;

– фуқаролар ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни, тадбиркорларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган коррупциявий омилларни бартараф этиш

юзасидан прокурор назорат ҳужжатларини сифатли, асосли ва қонуний тарзда қўллаш;

– коррупциявий омиллари мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келиб тушган муурожаатларга асосан, шунингдек прокурор назорати давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини ўрганиш давомида таҳлил қилиш ва аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишга имкон бераётган омилларни ҳамда қонунбузилишларни бартараф этишга йўналтирилсин.

5. Соҳадаги прокурор фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

– фаолиятнинг тизимли таҳлил асосида ташкил этилганлиги ва соҳада ўрнатилган идоравий назоратнинг самарадорлиги;

– соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишнинг доимий ва тизимли ривишда олиб борилганлиги;

– соҳаларда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида ижтимоий муносабатларнинг айрим соҳаларини текшириш ҳамда ўрганиш ташкил этилганлиги;

– қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари бузилишига, шунингдек, ҳуқуқий нормаларни ўзбошимчалик билан, субъектив, танлов асосида талқин қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳамда уларни бартараф этиш, давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чоратадбирлари қўрилганлиги;

– давлат бошқарув органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асл сабаблари ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларнинг аниқланганлиги ҳамда коррупциявий омилларни аниқлаш юзасидан коррупцияга қарши экспертизанинг самарали ўтказилганлиги;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларнинг чиқариб ташланиши ва бартараф этилиши юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилганлиги;

– қўлланилган прокурор назорат ҳужжатларининг асослилиги, сифати ва таъсирчанлиги;

– жамиятда ҳуқуқий маданиятни ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришда иштирок этилганлиги;

– соҳадаги ходимлар касб маҳоратини юксалтириш ҳамда малакасини ошириш тадбирларини ўтказилганлиги ҳамда самарадорлиги;

– ижобий иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришга йўналтирилганлиги;

– соҳада услубий ва амалий қўлланмалар ишлаб чиқилганлиги;

– мазкур соҳада прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилганлиги;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлик қилинганлик.

6. Қонунлар ижроси устидан назорат давомида прокурорлар фаолиятида давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва қўлланилган прокурор назорат ҳужжатлари сонига кўра баҳо бериш амалиёти қўлланилишига йўл қўйилмасин.

7. Қонунлар ижроси устидан назорат давомида давлат бошқарув органларининг ноқонуний ва коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган ўзида коррупциявий омилларни акс эттирган

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан прокурорлар томонидан қонунда белгиланган тартибда прокурор назорат ҳужжатлари келтирилиши қатъий таъминлансин.

8. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида:

– қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти йўналиши давомида қонунийлик аҳволи доимий таҳлил қилинсин;

– прокурор назорати амалиётини самарали мунтазам таҳлил қилинсин;

– тизимли камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатлари, шунингдек ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан, субъектив тарзда, танлов асосида талқин қилиниши олди олинсин ва бартараф этилсин;

– назорат давомида мунтазам равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф қилиш чора-тадбирлари йўлга қўйилсин;

– коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари кўрилсин;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларнинг чиқариб ташланиши ва бартараф этилиши юзасидан таклифлар ҳамда уни қабул қилган давлат органига тегишли назорат ҳужжатлари қўлланилсин;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққан тегишли давлат органи ва уларнинг мансабдор шасхлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни тегишли муддатда бартараф этмаган, шунингдек бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмаган тақдирда судга ариза киритиш чоралари ўз вақтида кўрилсин.

Қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминлансин.

9. Назорат давомида мунтазам равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф қилиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-

шароитларни бартараф этиш чора-тадбирлари доимий ва тизимли равишда йўлга қўйилсин.

10. Қонунлар ижроси устидан назорат давомида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш ҳамда қонунчиликни ва ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш борасида юқори турувчи прокурорга аниқ таклифлар бериб борилсин.

11. Қонунлар ижроси устидан назорат давомида давлат бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда прокурор фаолиятига мунтазам равишда ошқоралик бериб борилсин ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга фаол иштирок этилсин.

12. Бош прокуратуранинг илмий муассасалари ва ўқув юртлари билан ҳамкорликда ходимларнинг малакаси ва фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда ўқув машғулотларини ўтказиш, ижобий тажрибаларни оммалаштириш, тавсия ва услубий қўлланмалар яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш таъминлансин.

13. Мазкур буйруқ прокуратура органларининг барча ходимларига ижросини таъминлаш учун етказилсин.

14. Буйруқнинг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарларига юклатилсин.

Ўзбекистон

Республикаси Бош прокурори

З-даражали Давлат


адлия маслаҳатчиси

Н.Т.Йўлдошев

5-ИЛОВА

ЛОЙИҲА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



**ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИДА
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА КОРРУПЦИЯВИЙ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАРНИ
АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ – 2022

Мазкур услубий қўлланма прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида давлат органларининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш этиш юзасидан коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси томонидан ишлаб чиқилган.

© Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2022
йил.

МУНДАРИЖА:

1. Кириш.....	7
2. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олишда коррупцияга қарши экспертиза фаолияти юзасидан умумий тушунчалар.....	9
3. Прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асослари.....	16
4. Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи коррупциявий омиллар таҳлили.....	18
5. Коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини амалга оширишда прокурор ваколатлари.....	19
6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни бартараф этишда прокурор назорат ҳужжатларининг мақсад ва вазифалари ҳамда намуналар.....	21
7. Хулоса.....	24

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан буён мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга, қонунийлик ва адолатни таъминлашга, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Маълумки, демократик ривожланган давлатларда қонун ҳужжатлари сифатининг самарадорлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларга эгаллиги, мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг барқарорлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ таъминланганлиги, ҳамда хорижий инвестиция муҳитининг жозибадорлиги мамлакатда коррупция даражасининг пастлиги билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сифатли тарзда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашда соҳалар доирасидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш муҳим фаолият эканлигини кўрсатиб бермоқда. Кейинги икки йилда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупция илллати йиллар давомида томир отганлиги тўғрисида ўзининг чиқиш ва маърузаларида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган долзарб масала эканлигини такрор-такрор қайд этиб келмоқда. Шу боис ҳам, давлатимиз раҳбари ўзининг сайлов олди маърузаларидан бирида ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, **“бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз - мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат”** деб таъкидлаган эди¹³⁰.

¹³⁰Шавкат Мирзиёев. Асарлар. 1-жилд. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. .: М “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б.Б.Валиевнинг маълум қилишича, охириги **тўрт ярим йил** ичида **9546 нафар** шахс турли кўринишдаги коррупция жиноятларини содир этган. Таъкидланишича, мазкур жиноятлар оқибатида давлат ва фуқаролар манфаатларига **3 трлн 200 млрд** сўмга яқин зиён етказилган¹³¹. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 29-апрель куни ялпи мажлисида Сенат раиси Т.Норбоева ўз нутқида “қандай тизимли муаммолар борки, кўплаб раҳбарлар коррупцияда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Коррупциявий жиноятларга имкон берувчи сабаб ва омилларни бартараф этиш бўйича тизимли чораларни янада кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш керак. Бу масалалар тизим раҳбарларини ўйлантириши зарур”, деб таъкилади¹³². Табиийки, бугунги кунда мамлакатимизда коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишда прокуратура органларининг асосий қонунлар ижроси устидан назорат фаолият йўналишида давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2021 йил давомида алоҳида эътибор қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар юзасидан давлат органларининг қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тизимли равишда ўрганиш натижасида **354.219 та прокурор назорати ҳужжатлари** қўлланилди, шулардан **48.777 та** қонунга зид ҳужжатларга протест келтирилди, шунингдек **2.187 та** ҳуқуқий ҳужжатда коррупциявий омиллар аниқланди ва тегишли тартибда назорат ҳужжатлари қўлланилиб, коррупциявий омиллар бартараф этилди,

¹³¹Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б.Б.Валиевнинг 2021 йил 9-июлдаги АОКА да ўтказилган брифингдаги нутқидан. <http://www.gazeta.uz/uz/2021/07/09/corruption-crime/>.

¹³²[Электрон манба]. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ. <http://senat.uz/uz/lists/view/4295/>

шунингдек қонунбузилиши сабабларини бартараф этиш борасида тегишли идораларга **20.779 та тақдимнома** киритилган. Бу эса ўз навбатида амалда қабул қилинган қонуности ҳужжатларнинг қонунга зид, сифатсиз тарзда қабул қилинаётганлиги, айрим ҳолларда ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланмоқда¹³³. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини таъминлашда прокуратура органлари томонидан назорат остидаги объектларнинг ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлигини ўрганиш, прокурор назорати амалиётини мунтазам таҳлил қилиш, тизимли камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатлари, шунингдек ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан, субъектив тарзда, танлов асосида талқин қилиниши ҳамда назорат давомида ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларни кўриш сингари вазифалар долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда прокуратура органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида ҳанузгача ҳуқуқий ҳужжатларни қонунийлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ягона услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмаган.

Бу эса ўз навбатида, прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолиятининг самарали ва пухта ўтказилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш ҳамда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва

¹³³[Электрон манба]. 2021 yilda prokurorlar tomonidan 292.585 nafar shaxsning buzilgan huquqlari tiklandi. <https://sof.uz/post/2021-yilda-prokurorlar-tomonidan-292585-nafar-shaxsning-buzilgan-huquqlari-tiklandi>

бартараф этиш юзасидан қўлланма ишлаб чиқишнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Мазкур услубий қўлланма прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳамда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тартиб-таомилларини тўлиқ ва бир хилда тушунишда ва улардан коррупцияга қарши экспертиза фаолияти жараёнида самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура академияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш фаолиятини олиб боришда амалий қўлланма сифатида хизмат қилади.

2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯВИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Прокурор назорати — Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти;

прокурор — прокуратура органларида Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурориинг тегишли соҳавий буйруғи билан тартибга солинган қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида белгиланган тартиб ва қоида бўйича Ўзбекистон Республикаси прок)фатура органларига доимий ёки вақтинча ишга қабул қилинган ҳамда ўзига бириктирилган мансаб ваколатлари, мажбуриятларини амалга оширувчи жисмоний шахсдир.

прокурорнинг ваколатлари — қонун билан белгиланган тартибда мансаб-лавозимини, фаолият доирасини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мажмуаси тушунилади.

норматив-ҳуқуқий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат;

коррупцияга қарши экспертиза — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш, аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи;

прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза — прокуратура органларининг коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишга имконият яратувчи коррупциявий омилларни аниқлаш ва баҳо бериш орқали коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш фаолиятидир.

коррупциявий омил — коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган ҳуқуқий нормалар;

прокурор назоратининг ҳуқуқий воситалари — одатда, бир хил тушунчани англатади. Прокурор назоратининг ҳуқуқий воситаси сифатида прокурор назорати ҳужжатлари ҳисобланган - протест, тақдимнома, қарор, ариза, огоҳлантирув тушунилади.

прокурор талаби — прокурор томонидан коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш жараёнида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш усулларини таклиф этган ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича уни қабул қилган органга ёки мансабдор шахсга киритилган қонуний талаби ҳисобланади.

тақдимнома — прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритиладиган прокурор назорат ҳужжати ҳисобланади.

3. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки прокуратура органларининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида белгиланганидек қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат ҳисобланади¹³⁴. Бугунги кунда мазкур вазифалар ижроси доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқлигини ўрганиш ва қонунийлигини таъминлаш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган коррупциявий омилларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан суиистеъмолликларнинг амалга оширилишига, коррупциянинг турли шакллари вужудга келишига олиб келувчи нормаларни бартараф этишда прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши экспертизасини ташкил қилиш ва самарали олиб бориш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига асосан Ўзбекистон Республика Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нафақат коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир


¹³⁴Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 257-II-сон. 29.08.2001. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/257-II/1064-сон.](#)

хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда ҳудудларда коррупциявий жиноятчиликнинг умумий аҳволи ва суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш натижасида қонун ҳужжатларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган қоидалар, нормалар, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва зиддиятлар бор-йўқлигини текширади¹³⁵. Мазкур ишлар прокуратура органлари томонидан ўз фаолиятининг асосий йўналишлари доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва профилактика қилиш жараёнида амалга оширилади. Прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши курашишнинг асосий таркибий қисмлари коррупциянинг олдини олишга, шу жумладан унинг сабабларини аниқлаш ва кейинчалик бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тергов қилиш ҳамда мазкур турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилган ҳолда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини чуқур таҳлил қилиш ва қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2021 йил 25-майда қабул қилинган 229,230,231,232,233,234,235-сонли бўйруқлари асосида ишлаб чиқилган Низомда прокурорлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат йўналиши давомида соҳада қонунийлик аҳволи ва прокурор назорати амалиётини мунтазам таҳлил қилиш, тизимли камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатлари, шунингдек ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан, субъектив тарзда, танлов асосида талқин қилиниши ҳамда **назорат давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш** чораларни кўриш сингари

¹³⁵Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 419-сон. 03.01.2017. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/419/3177-сон.](#)

вазифалар прокурорларнинг соҳадаги устувор вазифаси сифатида белгиланди.

Прокуратура органларида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари



Қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳар қандай қонун бузилиш ҳолатлари прокурор томонидан аниқланиши ва прокурор назорат ҳужжатларини қўллаш асносида олди олиниши ҳамда бартараф қилиниши лозим. Жумладан прокурор текширувлари давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлаётган ва замин яратаётган коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш мамлакатда қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳар бир прокуратура ходимининг асосий вазифаси ҳисобланади.

4. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари доирасида нафақат коррупциявий ҳуқуқбузарликаларга қарши курашиш балки уларни олдини олиш мақсадида бир қанча тизимли чора-тадбирларни амалга оширади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига асосан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиниши, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади. Демак, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишига имкон берувчи сабаблар ва коррупциявий омилларни бартараф этиш коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олинишида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, коррупциявий омиллар деганда ҳуқуқни қўлловчиларга асоссиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз қўллаш имкониятини белгиловчи, жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни, шунингдек ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқларни ўз ичига олган лойиҳаларнинг нормалари тушунилади.

Қуйидаги келтирилган жадвалда ҳуқуқни қўлловчи субъектларга асоссиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз қўллаш имкониятини белгиловчи коррупциявий омилларнинг рўйхати жадвал шакллантирилган.

Коррупциявий омиллар	Мисоллар	Ечимлар
<p>Вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги</p>	<p>Давлат ижрочиси ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш кўзғатилган кундан эътиборан кўни билан ўн беш кун муддат белгилайди.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида мансабдор шахслар томонидан субъектив тарзда талқин қилинишига ва бу эса коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишига олиб келган.</p> <p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш муддатини аниқ белгилаш зарур.</p>

<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган намунавий ҳужжатларга мувофиқ танлов (тендер) таклифларини очиш танлов (тендер) эълон қилинган санадан бошлаб 10 - 15 кундан кейин бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда ушбу муддат 30 - 45 кунни ташкил қилади.</p>	<p>Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳуқуқни қўллаш жарёнида мансабдор шахслар томонидан коррупция содир этилишига олиб келган. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган муддатларни қонунга мувофиқлаштириш зарур.</p>
<p>Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги</p>	<p>Давлат органи қонунчиликда белгиланган муддатларда қарор қабул қилади.</p>	<p>Мазкур ҳолат ҳуқуқни қўллаш амалиётида мансабдор шахслар томонидан субъектив тарзда, ихтиёрий равишда ҳамда танлов асосида қарор қабул қилиниш ҳолатларига олиб келган ва коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилган. Қонунчилик сўзи айнан қайси қонунга ҳавола қилиши кўрсатилиши керак.</p>

<p>Тегишли тартибда шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги</p>	<p>Тегишли таълим муассасасига ўқишга кириш учун тест имтиҳонларини ўтказиш тартиби белгиланган лекин шикоят қилиш тартиби мавжуд эмас.</p>	<p>Таълим муассасасида имтиҳонлар ўтказилиши даврида шикоятларни кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси иши ташкил этилади.</p>
<p>Санкцияларнинг номуносивлиги</p>	<p>Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>	<p>Ҳуқуқниқ қўллаш амалиётида “вилка” санкцияга олиб келган ва натижада коррупциявий жиноятлар содир этилган. Санкциянинг минимал ва максимал миқдорлари ўртасидаги фарқни қисқартириш ҳамда уларни белгиланининг аниқ мезонларини ўрнатиш.</p>

<p>Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши</p>	<p>Мансабдор шахс ва аризачи шартнома шартларини келишиши зарур, у келишувни ёзма шаклда тасдиқлаши лозим. Мазкур ҳолатда «У» деганда ким назарда тутилганлиги ноаниқ.</p>	<p>Мазкур ҳолат ҳуқуқни қўллаш амалиётида субъектив талқинни келтириб чиқарган ва мансабдор шахслар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишига сабаб бўлган. Мансабдор шахс ва аризачи шартнома шартларини келишиши зарур, «У» бу ерда мансабдор шахс келишувни ёзма шаклда тасдиқлаши лозим.</p>
---------------------------------------	---	--

<p>Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номуносивликлар</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан давлат органларига тадбиркорлик субъектларини жойига чиққан ҳолда текшириш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлар берилган. Бироқ, давлат органининг тадбиркорлик субъектлари олдидаги уларнинг фаолиятини текшириш билан боғлиқ мажбуриятлари назарда тутилмаган.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат: давлат органи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш жараёнида қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.</p>
<p>Афзалликларнинг асосиз белгиланиши</p>	<p>Айрим давлат унитар корхоналари ва нодавлат ташкилотларга лицензия олмасдан фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган.</p>	<p>Давлат унитар корхоналари ва нодавлат ташкилотларнинг тегишли лицензияни олмасдан фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бекор қилиш.</p>
<p>Манфаатлар тўқнашуви</p>	<p>Товар қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этган тақдирда танлов воситасидаги давлат хариди амалга оширилади. Бунда шартномани бажариш бўйича</p>	<p>Демак, манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган шахслар танловда қатнашишига йўл қўйилмайди ёки харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс</p>

	энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб топилади.	бажариладиган вазифалардан четлаштирилиши лозим.
Давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши	Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан муайян бир тадбиркорлик субъектлари гуруҳи қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда.	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан солиқ имтиёзлари фақат ушбу Кодекс билан берилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган солиқ ставкасини камайтириш ҳолатлари бундан мустасно). Демак, Вазирлар Маҳкамасининг қароридан тадбиркорлик субъектларини қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи нормалар чиқариб ташланиши зарур.

<p>Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ ҳокимликларга истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини амалга ошириш бўйича вазифалар юклатилган.</p>	<p>Мазкур вазифа Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг вазифаларини такрорлайди, шунингдек ҳокимликларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича функцияси билан боғлиқ манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин. Ҳокимликларнинг истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини амалга ошириш бўйича вазифасини бекор қилиш зарур.</p>
<p>Аниқ белгиланмаган ваколатлар</p>	<p>Ушбу қонуннинг ижроси тегишли вазирлик томонидан таъминланади.</p>	<p>Фуқароларга асоссиз оворагарчилик келтириб чиқарган, ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда тегишли вазирликни аниқ белгилаш зарур.</p>

5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИ

Маълумки, прокуратура органлари олдида турган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат ҳамда қонунийликни таъминлашни амалга оширишда текширишларнинг самарадорлигига боғлиқ ҳисобланади. Текширишнинг самарадорлиги уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишларнинг ташкилий даражасига, текширишларга тегишли бўлган масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи актларни билиш даражасига, методик адабиётлар ҳақида тўлиқ ва ҳар томонлама тасаввурга эга бўлишга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5-декабрда қабул қилинган 172-сонли “ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғининг “йигирма бешинчи” бандига кўра муайян қонунчилик ижроси устидан текшириш текшириш йўналишидан қатъи назар бу объектда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга мувофиқлиги, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳал қилиниши ва юридик хизмат фаолияти самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндашиш талаб қилинади деб белгилаб қўйилган. Лекин прокурорлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бир бўлган қонунлар ижроси устидан назоратнинг характерли хусусиятлари шундаки, бу ишдаги муваффақият кўпроқ назоратни амалга ошираётган прокурорнинг шахсий ташаббуси билан белгиланади. Бу шахсий ташаббуслар доирасида прокурор қонунлар ижросини текшириш ва қонунийликни таҳлил қилиш давомида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлаётган ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиши ҳам мумкин. Бу бевосита прокурор назорати давомида коррупцияга қарши экспертиза фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда қонунлар ижроси устидан назорат давомида ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш давомида прокурор қўйидаги ваколатларга эга.

– амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш усулларини таклиф этган ҳолда тегишли чоратадбирларни амалга ошириш бўйича уни қабул қилган органга ёки мансабдор шахсга талаб қўйиши ёхуд ушбу ҳужжатни бекор қилиш ҳақида қонунда белгиланган тартибда судга ариза билан мурожаат қилиш;

– ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни чиқариб ташлаш юзасидан назорат ҳужжатини ҳуқуқий ҳужжатни прокурорнинг хоҳишига кўра қабул қилган давлат органга ёки юқори турувчи органга келтириш;

– прокурор томонидан қонунбузилиш ҳолатлари билан кураш самарадорлигини ошириш давомида ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни чиқариб ташлаш юзасидан назорат ҳужжатини ҳуқуқий ҳужжатни прокурорнинг хоҳишига кўра қабул қилган давлат органга ёки юқори турувчи органга келтириш;;

– прокурор томонидан келтирилган назорат ҳужжатни ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг мансабдор шахси томонидан рад этилганда ёки қонунда белгиланган мудда ичида кўриб чиқилмаганда тақдирда, прокурор ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш ёки ушбу ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли ҳисобланади.

Прокурор томонидан коррупцияга қарши экспертиза жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан келтирилган назорат ҳужжати фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, тадбиркорларнинг қонун билан

қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ва мамлакатимизда коррупциявий жиноятларга қарши курашишда давлат сиёсатини янада ривожлантириш йўлида катта хизмат қилиб келиб келмоқда.

6. НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРДА АНИҚЛАНГАН КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТ ХУЖЖАТЛАРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Маълумки, прокуратура олдига қўйилган вазифаларни бажаришда прокурор назорати ҳужжатларининг аҳамияти катта ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасига кўра протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорат ҳужжатлари ҳисобланади.

Прокурор назорати ҳужжати деганда ваколатли мансабдор шахс – прокурор, томонидан қонун билан берилган ваколат доирасида ва қонун билан ўрнатилган шаклга риоя қилган ҳолда келтирилган, чиқарилган, киритилган ва эълон қилинган ҳужжат ҳисобланади. Прокурор назорати ҳужжатлари қонунийлик, асосланганлик ва мотивлилиқ талабларига жавоб бериши, унда маълумотлар мантиқий, тўлиқ баён этилиши ва текшириш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш материалларига мувофиқ бўлиши шарт. Прокурор назорати ҳужжатлари аниқ шахсларга ҳамда муайян фактларга қаратилган бўлади. Назорат ҳужжатлари бевосита аниқ қонун бузилишларини, уларни келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга йўналтирилган бўлиши керак. Ҳужжатларда келтирилган маълумотлар нафақат ўрнатилган қонуний тартибда бўлиши, балки уларни тегишли тартибда тўғри расмийлаштириш қонунийликни мустаҳкамлашни, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлайди. Прокурор назорати амалиётида амалдаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан қўлланган прокурор таъсир ҳужжатларининг самарадорлиги учун зарур бўлган шарт-шароитларга катта эътибор берилади. Бу шарт-шароитларнинг асосийлари бўлиб:

– прокурор таъсир ҳужжатининг ўз вақтида киритилиши;

– унда кўрсатилган коррупциявий омилларнинг таҳлили ва коррупциявий омиллар натижасида келиб чиқаётган коррупциявий ҳуқуқбузарлик фактларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги;

– ҳужжатда келтирилган прокурор таклифларининг ҳуқуқий асос ва далилланганлиги;

– ҳужжатни киритиш йўлининг тўғри танланганлиги ҳисобланади.

Бундан ташқари, амалиёт давомида амалдаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан прокурор назорати ҳужжатларининг мақсади қуйидагиларга қаратилган бўлиши лозим. Булар:

– қонун бузилишининг ҳақиқатан бартараф этилишига эришишга;

– амалдаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширишга;

– аниқланган қонун бузилишининг мазмунини тушунтиришга, уларни бартараф этиш услублари бўйича аниқ тавсиялар беришга;

– профилактик таъсир ўтказиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозимлигига.

Прокурор назорати ҳужжатининг самарадорлигини ошириш учун, таъсир ҳужжатини олган орган ёки мансабдор шахс томонидан уни аниқ бажарилишининг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам прокурорлар қайд қилинган орган ёки мансабдор шахс томонидан қонунда белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назорат олиб боришлари лозим.

Қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан қўлланилган назорат ҳужжатлари қисқа, лўнда, ўзига яраша зарур реквизитларни яъни, прокуратуранинг номи, манзили, ҳужжатнинг тузилган жойи ва вақти, ҳужжатни чиқараётган прокурорнинг фамилияси, мансаби, даражали унвонига оид маълумотларни ўз ичига олган

бўлиши керак. Ҳужжатнинг кириш қисмида содир этилаётган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг мазмуни, унинг фактик ва юридик тавсифи, хулоса қисмида эса прокурорнинг қонун бузилишини бартараф этиш юзасидан талаби, огоҳлантируви ва имконият доирасида, қонунбузарликларни бартараф қилиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан аниқ чоралар кўриш ҳақидаги тавсиялари кўрсатилган бўлиши керак. Ҳар бир назорат ҳужжатда коррупциявий омил аниқланган амалдаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи келтирилиши, коррупциявий омилнинг кўрсатилиши, прокурор аниқ талаблари ёки тавсиялари аниқ акс этирилиши ушбу ҳужжатларнинг ҳуқуқий ва мантиқий асосини ташкил этади.

8. ХУЛОСА

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси асосида мамлакатимизнинг барча соҳа тармоқларида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар тизими белгилаб берилмоқда. Бу эса ўз навбатида, прокуратура органларининг мамлакатимизда коррупциявий жиноятларга қарши курашиш ва олдини олишда юзасидан кенг ваколатлари доирасида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Хусусан, мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш иқтисодий фаровонлик ва сиёсий ҳуқуқий барқарорликка эришишдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Демократик ривожланган давлатларда қонун ҳужжатлари сифатининг самарадорлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларга эгаллиги, мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг барқарорлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари тўлиқ таъминланганлиги, ҳамда хорижий инвестиция муҳитининг жозибадорлиги мамлакатда коррупция даражасининг пастлиги билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда коррупцияга қарши экспертиза фаолияти муҳим жараён эканлигини кўрсатиб беради. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг муваффақияти, бу фаолият марказда ва жойларда қай даражада ташкил қилинганлиги билан белгиланади. Бундай шароит қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаш юзасидан прокуратура органлари олдида ниҳоятда маъсулиятли вазифаларни кўяди. Зеро, қонунлар ва улар асосида чиқариладиган ҳужжатларнинг такомиллашуви уларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган ва коррупциявий жиноятлар содир этилишига сабаб бўлаётган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан назорат ҳужжатларини

сифатли ҳамда самарали қўллаш ниҳоятда муҳим жараён ҳисобланади. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати давомида прокурор текширув ишини шундай ташкил қилиш керакки, натижада нафақат қонун бузилиш, балки унга олиб келган сабабларни ҳам аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора тадбирлари кўрилиши лозим. Чунки, қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг муваффақияти, бу назоратнинг охириги натижалари билан белгиланади. Аниқланган қонун бузилиши ёки коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этилган тақдирда, прокурор томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликка қарши курашиш ва олдини олишда натижага эришилган ҳисобланади. Қайд қилинган чора тадбирларни ўз вақтида ва сифатли тарзда амалга оширилиши мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашиш ва олдини олишда ва қонунийликни тўла таъминлашда хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
магистратура тингловчиси Мажидов Шахзод Абдихалил ўғлининг
“Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан
назоратни амалга оширишда коррупцияга қарши экспертиза: назария ва
амалиёт масалалари” мавзусидаги магистрлик диссертацияси бўйича
ўтказилган
СЎРОВНОМА**

Сўровнома саволларига жавоб олишдан асосий мақсад прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг назарий ва амалий муаммоларни илмий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий тадқиқот натижасида олинган хулосаларни таҳлил қилишдан иборат.

Сўровнома муаллифи Сизлардан уларни тўлдиришга жиддий ёндашишни илтимос қилади. Сиз томондан берилган маълумотлар ошкор этилмайди ва бошқа мақсадларда фойдаланилмайди.

Сўровнома тўлдирувчиларга тавсиялар:

- 1. Берилган саволларга жавоб беришдан олдин анкета билан тўлиқ танишиб чиқишни сўраймиз.**
- 2. Сўровнома аноним шаклда ўтказилади.**

Сизнинг фаолият соҳангиз?

- Прокуратура органлари ходими
- Суд органлари ходими
- Адлия органлари ходими
- Бошқа

Ўзбекистон Республикасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар даражасини қандай тавсифлаган бўлар эдингиз?

- Паст
- Ўртача
- Юқори
- Жуда юқори

Сизнингча, мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига нима сабаб бўляпти деб ўйлайсиз?

- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўплаб коррупциявий омилларнинг мавжудлиги
- Қонунчиликдаги мавжуд муаммолар (бўшлиқлар, коллизиялар)
- Мансабдор шахсларнинг маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион) ваколатларнинг кўплиги
- Ҳуқуқий онг ва маданиятнинг пастлиги

Сизнингча, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш прокуратура органлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг самарали механизми ҳисобланадими?

- Ҳа, самарали
- Бошқа фикрдаман
- Билмайман

Прокуратура органлари фаолиятида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупциявий омилларни аниқлаш ва тегишли тартибда бартараф этиш фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида прокуратура органларининг асосий вазифалари сифатида коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш вазифасини белгиланишига муносабатингиз қандай?

- Ҳа, тўғри
- Қисман тўғри
- Билмайман

Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашда назорат остидаги объектларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини олиб боришда экспертиза жараёнида прокурор тўла маънода мустақил (хотис) тарзда бўла олиши мумкин деб ўйлайсизми?

- Ҳа, мустақил бўла олади
- Йўқ, мустақил бўла олмайди
- Билмайман

Прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши экспертиза фаолияти жараёнида коррупциявий омилларни аниқлашда прокурорларнинг билим ва кўникмалари етарли тартибда мавжуд деб ўйлайсизми?

- Ҳа, етарли
- Йўқ, етарли эмас
- Билмайман

Сизнингча, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишда прокурорларнинг соҳавий билими ва малакасини доимий, узлуксиз равишда ошириб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура академиясида ўқитиш курсларини ташкил қилишга муносабатингиз қандай?

- Ижобий
- Салбий
- Билмайман

Сизнингча, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишда прокурорларнинг соҳавий билими ва малакасини ошириш мақсадида “Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича” услубий қўлланмани ишлаб чиқишга зарурат бор деб ўйлайсизми?

- Ҳа, зарурат мавжуд
- Йўқ, зарурат мавжуд эмас
- Бошқа фикрдаман

Коррупциявий жиноятларни олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳада фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш

самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги буйруғини ишлаб чиқишга муносабатингиз қандай?

- Ижобий
- Салбий
- Бошқа фикрдаман
- Билмайман

Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишда коррупциявий омилларни аниқлаш имкони бор деб ўйлайсизми?

- Ҳа,
- Йўқ
- Билмайман


Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини прокурорлар томонидан ўтказиб борилиш мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш ва коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ўз хиссани бера олади деб ўйлайсизми?

- Ҳа
- Йўқ
- Қисман
- Билмайман

Мазкур сўровнома “google forms” ижтимоий тармоғида **492 нафар амалиётчи ҳуқуқшунослар ўртасида ўтказилди.**


1. Сизнинг фаолият соҳангиз?

28 ответов




2. Ўзбекистон Республикасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар даражасини қандай тавсифлаган бўлар эдингиз?

28 ответов




3. Сизнингча, мамлакатимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига нима сабаб бўляпти деб ўйлайсиз?

28 ответов




4. Сизнингча, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш прокуратура органлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг самарали механизми ҳисобланадими?

28 ответов




5. Прокуратура органлари фаолиятида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупциявий омилларни аниқлаш ва тегишли тартибда баргараф этиш фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида прокуратура органларининг асосий вазифалари сифатида коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш вазифасини белгиланишига муносабатингиз қандай?

28 ответов




6. Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини олиб боришда экспертиза жараёнида прокурор тўла маънода мустақил (холис) тарзда бўла олиши мумкин деб ўйлайсизми?

28 ответов



7. Сизнингча, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишда прокурорларнинг соҳавий билими ва малакасини ошириш мақсадида ахборот-услубий ва таҳлилий хусусиятдаги “Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича” услубий қўлланмани ишлаб чиқишга зарурат бор деб ўйлайсизми?


28 ответов



8. Коррупциявий жиноятларни олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳада фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг


“Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги буйруғини ишлаб чиқишга муносабатингиз қандай?

28 отвeтов



9. Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишда коррупциявий омилларни аниқлаш имкони бор деб ўйлайсизми?

28 отвeтов



11. Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат давомида назорат давомида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза фаолиятини прокурорлар томонидан ўтказиб борилиш мамлакатимизда

қонунийликни мустаҳкамлаш ва коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ўз хиссани бера олади деб ўйлайсизми?

28 ответов

